

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА ТУРИЗМ СЕРВИСИ» КАФЕДРАСИ

Ш.Ш.РАХМОНОВ

САМАРҚАНД – ТУРИЗМ МАСКАНИ

РИСОЛА

САМАРҚАНД-2018

Ш.Ш.Рахмонов. Туризм (фаолият турлари) ТФТ-315 гуруҳ талабаси. Самарқанд – туризм маскани. Рисола, Самарқанд. СамИСИ, 2018. 84 бет.

Такризчилар:

Ибодуллаев Н.Э. «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари номзоди
Саттарова З.И. «SamISI Sayyoh plus» туристик фирмаси директори

Маъсул муҳаррир: «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси катта ўқитувчиси Турсунова Г.Р.

Мазкур рисолада Самарқанднинг қадимий тарихи, Буюк Ипак йўлида Самарқандда туризмнинг ривожланиши, соҳибқирон Амир Темур салтанати давридаги бунёдкорлик ишлари, азим шаҳарнинг туристик ресурслари – маданий-тарихий обидалари, диний-зиёратгоҳ қадамжолари, табиий-рекреацион ҳудудлари, музейлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, вилоятининг бугунги куни, унинг туристик салоҳияти ва туризмнинг ривожланиш тенденциялари келтириб ўтилган. Ушбу рисоладан Олий таълим муассасалари талабалари ўқув жараёнига, курс иши, мустақил иши ҳамда битирув малакавий ишини тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

Рисола институт Ўқув-услугий Кенгашининг 2018 йил 25 июньдаги 8-сонли мажлисида муҳокама қилинди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ш.Ш.Рахмонов. Туризм (фаолият турлари) ТФТ-315 гуруҳ талабаси. Самарқанд – туризм маскани. Рисола, Самарқанд. СамИСИ, 2018. 84 бет.

КИРИШ

*«...Самарқанднинг салоҳиятини иноватга олсак, туризмни
ривожлантириш имкониятлари чексиздир»¹*

Ш.М.Мирзиёев

Самарқанд – Ўзбекистоннинг бой туристик салоҳиятига эга бўлган ҳудудларидан бири. Географик жihatдан жойлашуви, табиий ва маданий ресурсларга бойлиги билан республикада етакчи ўринни эгаллайди.

Зарафшон воҳасининг марказий қисмида жойлашган бу ноёб шаҳар азал-азалдан ўтроқ ҳаёт, суғорма деҳқончилик, илм-фан ва тараққиёт маркази бўлиш билан бирга, жаҳон тарихида ҳақли равишда инсониятнинг маданий бешикларидан бири сифатида эътироф этилган.

Самарқанд нафақат узоқ ўтмиши балки, бетакрор бугуни билан ҳам бутун дунёни ҳайратга солмоқда. Американинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган «The Huffington Post» интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши албатта зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этган.

Самарқандга ташриф буюрган Жаҳон банкининг тўққизинчи Президенти Жеймс Дэвид Вулфенсон: «Кейинги 40 йил давомида мен қарийб бутун дунёни кезиб чиқдим, бироқ, Самарқанддек жойни ҳеч жойда кўрмадим» дея таърифлаган. Америкадан келган сайёҳларнинг фикрича: «Дунёда биттагина Париж ва биттагина Самарқанд мавжуд». Оммавий франсуз журналларидан бирининг эътироф этишича: «Самарқанд тасаввурни жунбушга келтирадиган шаҳар бўлиб бораяпти. Кўзингизни юмиб мулойим оҳангда «Самарқанд» сўзини талаффуз қилсангиз худди эртаклардагидек тасаввурингизда гўзал ва сеҳрли манзаралар пайдо бўла бошлайди».

Бундан ташқари 2014 йилнинг октябрь ойида Самарқандда UNWTO Ижроия кенгашининг 99 сессиясида ҳам «Самарқанд – бу асрлар жилосини мужассам этган ва ўзининг бетакрор қиёфаси ва ноёблигини сақлаб келаётган замонавий шаҳардир²», - дея эътироф этилган.

2750 ёшдан ошган «Шарқ гавҳари» ўзининг жозибадорлиги ва бетакрорлиги билан бугун дунёнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрувчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги «2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 450 сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар вилоятда яқин йилларда туризм соҳасининг жадал ривожланишида ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатади.

¹ <https://kun.uz> – Туризм пахтачиликка нисбатан бир неча баробар кўп даромад келтиради. 08:20 / 10.11.2017.

² Самарқанд UNWTO Ижроия кенгашининг 99 сессияси маълумотлари 2014 й.

I-БОБ. БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА САМАРҚАНД – ТУРИЗМ МАСКАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Самарқанд – қадим цивилизация ўчоғи

Самарқанднинг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққий топиши тўғрисида тарихий манбалар, моддий ва маданий ёдгорликлар, халқ оғзаки ижодиёти намуналарида кўпгина маълумотлар учрайди. Жумладан, кўхна Шарқ ёзма меросининг ноёб дурдонаси бўлган Авесто китобида Зарафшон воҳасида жойлашган Суғд ўлкасининг ажойиб иклими, серҳосил ерлари ҳақида сўз боради. Абул Аббос Жафар ибн Муҳаммад ал-Мустаффирийнинг «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд», Абулфазл Муҳаммад ибн Абдужамил ибн Абдумалик Ҳайдар ас-Самарқандийнинг «Қандияйи Хурд» каби юзлаб тарихий, жуғрофий, адабий-бадий асарларда шаҳар тарихи унинг бағрида яшаб ўтган буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар ҳақида маълумот берилади³. Шунингдек, бу шаҳар тўғрисида шу қадар кўп афсона ва ривоятлар тўқилганки, афсона қаерда тугаб, ҳақиқат қаердан бошланишини англаш мушкул.

Ривоятлардан бирида айтилишича, узоқ асрлар илгари, ҳозирги шаҳар ўрнида одамлар илк уй-жойларини барпо қилганларида Зарафшон тоғларидан барс тушиб келиб, янги қурилган уйларнинг атрофини айланиб, яна тоққа чиқиб кетган экан. Бу ҳолатни кўрган одамлар бу жонивор бизларга шу ерда муҳим бир манзилгоҳ қуришга изн берди, дея ўйлашиб бу ерда шаҳар барпо қилишга киришганлар.

Самарқанд номининг келиб чиқиши ҳақида турли хил баҳс-мунозаралар мавжуд. Айрим олимлар «Самарқанд» атамаси Санскрит тилидаги «смарғ» атамасидан келиб чиққан ва бу атама «Чорраҳа», «Савдогарлар учрашадиган, савдо йўллари кесишган жой» деган маънони англатади дея изоҳлашадилар. Буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий «Девони луғотит-турк» асарида, Самарқанд номи туркийча «Семизкент», яъни «семиз, бой шаҳар» деган ном билан боғлиқ, дея ёзган. Юнон тарихчиси Каллисфен Самарқандни ўз тилига мослаб «Мароқанд» деб атаса, Хитой элчиси Вей Цзе эса «Кан» деб қайд этган. Милоддан аввалги 329 йили бу ерга келган фотиҳ Александр Македонский ёнидаги тарихчилар шаҳар номини «Мароқанда» дея ёзиб қолдирганлар⁴.

Самарқанд тўғрисида ёзилган кўпгина тарихий асарларда шаҳарга илк бор Алп Эр Тўнга асос солганлиги айтилган. Алп Эр Тўнганинг номи муқаддас «Авесто»да Франрасян, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Афросиёб деб аталган. Алп Эр Тўнга – Афросиёб Турон мамлакатининг ҳукмдори бўлиб, бир неча катта-кичик шаҳарларга асос солгандир.

Қадимги Суғдиёнанинг пойтахти Самарқанд шаҳрида ва унинг атрофида одамлар жуда қадим-қадим замонлардан бошлаб яшаганалар. Археологлар Самарқанддан 40 км жанубда жойлашган Омонқўтон ғоридан бундан 40-60

³ Ширинов Т., Жўракулов М., Исамиддинов М., Самарқанд – 2750, Тошкент 2007, 9 бет.

⁴ Бердимуродов А, Индиаминова Ш. Буюк Ипак йўли: қитъалар ва асрлар оша. –Т.: 2017, 51 бет

минг йиллар илгари яшаган ибтидоий одамларнинг манзилгоҳини топганлар. Ибтидоий одамлар яшаган худди шундай манзилгоҳ шаҳар ичидан «Динамо» стадионининг жанубий томонидан ҳам топиб ўрганилган⁵. Айниқса, бу ердан ибтидоий одамнинг суяк қолдиқлари топилганлиги диққатга сазовордир. Шу билан бирга, бу манзилгоҳлардан ибтидоий одамлар ясаган ва кундалик турмушларида кенг фойдаланган тош қуроллар ҳам жуда кўп топилган, Бундан ташқари, Ургут туманидан ибтидоий мусаввирлар томонидан юксак қояларнинг сиртига чизилган ҳар хил мавзулардаги кўплаб суратлар топилган. Бу ноёб суратлар кўпол гавдали, кўпол бармоқли, лекин санъатни ҳис қила оладиган кўнгли нозик аждодларимиздан қолган хотиралар ҳисобланади. Бу манзилгоҳлардан ташқари, археологлар томонидан Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан топиб ўрганилган бронза даврига оид қабристон ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ёдагорликдан археологлар кийим-кечак, турли-туман тақинчоқлар, ов қуроллари, кулолчилик маҳсулотлари билан биргаликда дафн этилган одамлар жасадларини топиб ўрганганлар. Топилган буюмлар ичида бронза ва олтиндан заргарона моҳирлик билан ясалган сирғалар, билакузуклар ва тақинчоқлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу ерда суякдан ясалган, ҳозир ҳам чалишга ярайдиган най топилган. Бу най эса аждодларимиз бундан уч ярим минг йиллардан олдин ҳам куй, кўшиқ шайдоси бўлганликларидан далолатдир.

Самарқанд худуди ва Зарафшон воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қизиқарли ёдгорликлар қўлга киритилган. Ургут тоғининг шимолий-шарқий дараларидан Такалिसой, Гўрдора ғоти сингари маконлар, Зиёвутдин ясси тоғи этакларидан эса Зирабулоқ манзилгоҳи топилиб, текширилган. Уларнинг бундан 100-40 минг йиллар аввалги палеолитнинг ўрта босқичига тегишли эканлиги аниқланган. Бу маконлардан топилган юзлаб меҳнат қуроллари, ҳайвонлар қолдиқлари, гулхан излари қадимги одамларнинг турмуш-тарзидан далолат беради. Дид билан ишланган найза тиғлари, қирғичлар, рандалар, турли хилдаги кескин ускуналар қадимий аждодларимизнинг меҳнат қуроллари яшашга уста ҳамда ўз даврига мос юксак маданият соҳиблари бўлганини кўрсатади. Уларнинг турмуш тарзи овчиликка асосланган ва илк оилалар оддий кулбаларда яшашган, Тоғли ва текисликдаги одамларнинг турмуш тарзи бир-биридан муайян даражада фарқланган.

Маълумки, бундан 40-12 минг йиллар аввал сўнгги палеолит даврида ҳозирги тушунчадаги ақлли одамлар (ҳомо сапиэнс) тўла шаклланган. Ижтимоий муносабатларда ҳам муҳим ўзгаришлардан бири – матриархат даври бошланади. Самарқанд шаҳрининг ўрта худудида жойлашган Самарқанд, Сиёбча, шунингдек, Булунғур туманидаги Хўжа Мазгил, Сазағон қишлоғи атрофида жойлашган Олмабулоқ каби маконлар айнан анашу даврга мансубдир.

Самарқанд худуди уч маданий қатламдан иборат бўлиб, текширишлар натижасида бой археологик ва палеонтологик топилмалар қўлга киритилган.

⁵ Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. –Т.: 2015, 23 бет.

Жумладан, пичоксифат қуроллар, қўл чопкилари, болталар, турли шакл-шамойилдаги кескич ва тешгич қуроллар топилган. Бундан ташқари шаҳар ҳудудидан палеонтологик кулба қодиғи, қизил бўёқ излари, суякдан ва чиғаноқдан ясалган тақинчоқлар каби санъат намуналари ҳамда ўша даврда яшаган 30-35 ёшлардаги одам суяклари ҳам топилган.

Самарқанд ҳудудидаги мезолит даврига доир қатор ёдгорликлар Қоратеппа тоғининг шимолий ён бағирлари бўйлаб бир неча жойлардан топилиб ўрганилган. Жумладан, Сазағон-1, Замичатош, Оҳалик маконлари бу даврдаги воҳа тарихи бўйича қизиқарли маълумотлар берган. У ерлардан турли-туман тош қуроллар, голосен даври ҳайвонот дунёси қолдиқлари топилган. Уларга асосланиб айтиш мумкинки, мезолит даври дастлабки одамлари меҳнат қуролларини такомиллаштиришда муайян ютуқларга эришган. Бу даврда ўқ-ёй кашф қилиниб, ҳайвонларни хонакилаштириш бошланган.

Самарқанд ҳудуди бўйлаб ривожланган узлуксиз тараққиётни неолит ёдгорликлари асосида қайта тиклаш мумкин. Неолит даври ёдгорликлари айниқса, Самарқандга туташ минтақа бўлган Қоратеппа тоғининг шимолий ён бағирларида кўплаб учрайди. Тадқиқотчилар томонидан бу ердаги 30 дан зиёд қадимги манзилгоҳ ўрганилган. Жумладан, Сазағон-2, Жангал ва Тепакул сингари маконлардан бой археологик материаллар топилган. Уларнинг таркибида ўқ-ёйлар, қирғичлар, пичоксимон қуроллар, ўроқ учун қадама тошлар, рандалар, силлиқланган болталар, ёрғучоқлар, жуводизлар топилган. Шунингдек, сопол идишлар, тақинчоқлар, санъат намуналари, кулбаларнинг қолдиғи, қабр ҳамда ҳайвон суяклари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таҳлили воҳада содир бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёни илмий асосда тасаввур қилиш имконини беради.

Самарқанд воҳасидаги илк темир даври милоддан аввалги XII-V асрларга тўғри келади. Илк темир даврининг биринчи босқичига Кўктеппа, Афросиёб, Жом қароргоҳлари ва Ургут туманидан топилган ёдгорлик кирса, иккинчи босқичига Афросиёб ва унинг атрофлари, Жума шаҳрига яқин жойлашган Дўрмонтеппа, Қорадарёнинг чап соҳилидаги Лайлакуятеппа, Жом қишлоғига яқин ердаги Қўйтеппа, Кўктеппанинг юқори қатламлари кирган.

1.2. Самарқанд ва Буюк Ипак йўли

Самарқанд XIV-XV асрларда Осиё ва Европа халқларининг Марказий Осиё орқали олиб борган кенг қўламдаги савдосининг маркази бўлган.

Н.И. Леонов

Буюк Ипак йўли милоддан аввалги II асрдан, милодий XVI асрга қадар инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутган бўлиб, устига турли-туман анвойи матолар, жавоҳиру олтинлар, ақидалар ва ғоялар, китоблару достобларни юклаган бу савдо йўли узоқ Хитойдан бошланиб, Буюк Туроннинг бепоён кенгликлари, дарёлари, шаҳар ва қишлоқларини ортда қолдириб Ҳиндистоб, Рим ва араб мамлакатларига етиб борган. Бу йўлнинг тарихий чорраҳасида, энг


гавжум, серкатнов қисмида жойлашган Самарқанд Буюк Ипак йўлининг ривожига катта ҳисса қўшган бўлиб, айнан суғд тили Ипак йўлида халқаро тил вазифасини бажарган. Шарқ ва Ғарблик савдогарлар, карвонбошилар, тижоратчилар суғд тили орқали бир-бирлари билан мулоқот қилишган. Шу сабабли, Самарқандда савдо-сотикқа, тижоратга катта эътибор берилган. Милодий VII асрларда Самарқандга ташриф буюрган Хитой элчиси Вей Цзе бу шаҳарликлар хақида: «Кан (Самарқанд) подшоҳлигининг халқи моҳир савдогарлардир. Оилада ўғил туғилиб беш ёшга етганида унга хат-савод ўргатадилар, у саводли бўлгач савдо-сотикни ўрганишга жалб этадилар, савдодан фойда олиш ажойиб қобилият ҳисобланади»⁶, деб ёзган эди.

Бошқа бир тарихчининг ёзишича Самарқандда оилада ўғил туғилса, унинг кафтига олтин танга ёпиштириб, тилига асал ялатиш одати бор экан. Бу билан ёш гўдакка, тилинг асалдек ширин бўлиб, қўлингдан ҳеч қачон пул аримасин, дея тилак тиланар экан. Бу фактлар Самарқандда савдогарчилик ва тижоратчилик юксак даражада қадрланганлигини кўрсатиб турибди.

Суғд савдогарлари ватанларидан узоқларда, яъни Еттисув, Шарқий Туркистон ва Хитойда жуда кўплаб кичик савдо шаҳарлари куришган. Бу шаҳарчаларнинг аҳолиси савдо-сотикни ҳамда суғд маданиятини чекка мамлакатларга тарқалишига катта ҳисса қўшишган.

Қўшни давлатлар билан савдо алоқалари яхши йўлга қўйилганлиги учун Самарқанд қадимда дунёнинг энг бой шаҳарларидан бирига айланган эди. Бу шаҳарнинг хазиналари, саройлари ва ибодатхоналари олтин, кумушу зарларга тўла бўлган.

Самарқандда Сомонийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврида савдо-сотик тез суръатлар билан ривожланди. Бу даврларда Самарқандлик савдогарлар ўз молларини дунёнинг йирик шаҳарларига элтиб сотишган.



1-расм. Буюк Ипак йўлининг харитаси

Амир Темури ва Темурийлар даврига келиб эса Самарқандлик савдогарларнинг Буюк Ипак йўлидаги фаолиятлари янада кучайиб кетди.

⁶ Бердимуродов А, Индиаминова Ш. Буюк Ипак йўли: қитъалар ва асрлар оша. –Т.: 2017, 68 бет.

Давлатни кудрати ва фаровонлигини оширишда савдо-сотиқнинг аҳамияти катта эканлиги яхши англаган Амир Темур Буюк Ипак йўлининг тараққиётига катта эътибор берган. Соҳибқирон савдо йўлида текинхўрлик қилаётган ўғри-қароқчиларни батамом қириб ташлаган, карвон йўлларининг ёқасида янги-янги карвонсаройлар, сардобалар, дарёлар устига кўприклар қурдирган. Йирик шаҳарларда шинам бозорлар ва тимлар қурдирган. Шу сабабли, Амир Темур даврида Самарқанд бозорларида дунёнинг турли тилларида сўзлашувчи, ҳар хил динларга сиғинувчи савдогарларни кўриш мумкин бўлган.

Қадим даврлардан бошлаб Самарқанд ҳунармандлари қимматбаҳо металллардан ясалган идиш товоқлар, қурол-яроқлар, кийим-кечаклар, эгар-жабдуклар, теридан тикилган кийимлар, ўтовлар, қимматбаҳо тошлардан ясалган турли-туман безаклар, тақинчоқлар тайёрлашган ва улар дунё бозорларида харидоргир бўлган. Айниқса, Самарқанднинг нафис қоғозлари, болдек ширин мева-чеваларининг тарихи дунёнинг бурчакларига тарқалган эди. Дастлаб, ипак етиштириш фақатгина хитойликларнинг қўлида бўлган бўлса, тез орада самарқандликлар ипакнинг сирини топишиб, бу соҳанинг хўжайинларига айланганлар.



2-расм. Самарқанд қоғози

Кейинчалик Самарқанднинг ипак матолари жаҳон бозорида бемалол Хитой ипаги билан рақобатлашадиган бўлди. Ипакдан ташқари Самарқанд машшоқлари, бастакор хонандалари ва раққосаларининг шону шуҳратлари хорижий ўлкаларда жуда баланд бўлган. Хитой императорлари ўз саройларида Самарқандлик санъаткорларни сақлаш учун ҳар қандай катта маблағни аямас эдилар. VI-VIII асрларда Хитойнинг машҳур шоирлари Самарқандлик раққоса ва хонандаларга бағишлаб мадҳиялар ёзишган, ҳайкалтарошлар эса уларнинг ҳайкаллари ясаган⁷. Самарқандда ясалган кўплаб чолғу асбоблари Хитой ва Кореяга тез тарқалиб кетганлиги, вақтлар ўтиб эса уларнинг миллий мусиқа асбобларига айланганлиги маълумдир. Булардан ташқари самарқандлик савдогарлар дунё бозорларига ҳар хил бўёқлар, дори-дармонлар, отлар, туялар,

⁷ Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. –Т.: 2015, 353 бет.

нафис гиламларни ҳам етказиб берардилар. Шу тариқа Самарқанд ташқи дунёни ўз маҳсулотлари билан таъминлар ва ўзи ҳам ажнабий молу матоҳлардан баҳраманд бўлар эди.

1.3. Самарқанд Темур ва Темурийлар салтанатининг пойтахти

XIV асрнинг иккинчи ярмида мўғуллар босқини тугатилди. Бу ҳодиса буюк саркарда ва давлат арбоби, Марказий Осиёда кучли ва марказлашган давлатни тузишга муваффақ бўлган Амир Темурнинг сиёсат майдонига кириб келиши туфайли содир бўлди.

1370 йилда Амир Темур Балх шаҳридаги катта қурултойда Мовороуннахр ҳукмдори этиб сайланди⁸. Соҳибқироннинг олдида улкан машаққатли вазифалар турарди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида мамлакат пароканда бўлган, давлатчиликка путур етган эди.

Амир Темур яратилиши лозим бўлган қудратли давлатига пойтахт зарурлигини яхши биларди. У Мовороуннахрдаги шаҳарларни бирин-кетин кўз олдига келтириб, Самарқандга тўхталади. Амир Темур Балхдан қайтгач она шаҳри Кеш – Шахрисабзда биров дам олгач Самарқандга йўл олади. Бу вақтда ўз тарихи, шон-шухрати билан танилган Самарқанд хароба аҳволда бўлган.

Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар Самарқандни шу даражада вайрон қилгандиларки, уни қайта тиклашнинг иложи бўлмади ва у то 1370 йилгача вайрона ҳолатида қолиб кетди. Соҳибқирон Амир Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб танлар экан, қадимги Самарқанд – Афросиёбни қайта тиклашдан кўра, янги шаҳарни бунёд этишни маъқул топган. Афросиёб харобалари қайта тикланмади, балки унинг жанубий томонида янги шаҳар барпо қилишга киришилди. Шу туфайли Самарқанд икки тарихий ўринга эга бўлган шаҳар сифатида машҳурдир.

Амир Темур янги Самарқандни барпо этишга киришар экан, том маънода қадимги шаҳарсозлик маданиятини қайта тиклади, унга янгича жило, нафас бағишлади. Албатта, Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб танлар экан, уни ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Унинг жойлашиш ўрни, тарихи, табиати, иқлими ва сув ресурсларини ҳар томонлама таҳлил қилди. Ҳузурига меъморлар, қурувчи усталар, олимларни чорлаб улар билан кенгаш ўтказди ва сўнгра меъморларга шаҳарни қуришнинг бош режасини ишлаб чиқишни топширади. Бўлғувчи арки аъло, маҳаллалар, кўчалар, бозор ва майдонларнинг ўрни белгиланади. Арк ва шаҳар атрофига улкан мудофаа девори қуришга фармон беради. Шаҳар мудофаа деворига Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Феруза, Сўзангарон ва Коризгоҳ дарвозалари ўрнатилади. Амир Темур Самарқандда бир-биридан гўзал, бетакрор обидалар: Жомеъ масжиди, Кўксарой, Бўстонсарой, Амир Темур, Шоҳи Зинда, Қутби Чаҳордахум, Рухобод каби мақбараларни, Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақоҳларини бунёд этган. Кўксарой ҳақида Мирзо Бобур «Бобурнома» асарида қуйидагича ёзади:

⁸ Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. –Т.: 2015, 133 бет.

«Самарқанд аркида Темурбек бир улуг кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўксаройга мавсум, машхур ва бисёр олий имораттур»⁹. Кўксаройда Амир Темурнинг тахти, хазинаси ва бой кутубхонаси жойлашган. Бу ерда Соҳибқирон хориждан келган элчиларни ҳамда сарой аъёнларини қабул қилган. Амир Темурдан кейин ҳам Кўксарой Темурий ҳукмдорлари учун расмий сарой вазифасини ўтаган.

Тарихий манбаларда шаҳарда майдонлар, ҳовузлар, фавворалар, кўчалар, масжид ва мадрасалар барпо қилингани ҳақида маълумотлар берилган. Амир Темурнинг шарқ шаҳарсозлигига киритган яна бир катта янгиллиги Самарқанднинг ичкари ва ташқарисида бир-биридан гўзал, баҳаво 12 та боғ-сарой барпо қилганида яққол кўринади. Бу боғларнинг марказида ҳашаматли кўшклар ҳам барпо қилингани учун улар боғ-саройлар деб аталган. Самарқанд шаҳрининг ичида ва атрофида барпо қилинган Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Беҳишт, Амирзода Шохруҳ боғи, Боғи Бўлду, Боғи Жаҳоннамо, Боғинав, Боғишамол, Давлатобод каби боғ-саройлар XIV-XV асрлар Шарқ шаҳарсозлиги ва меъморчилигидаги янги ҳодиса бўлган.

Испан элчиси Клавихо қуйидагиларни ёзган: «Самарқандда қонунга қаттиқ риоя қилинади. Жаноб (Амир Темур)нинг рухсатисиз бир киши иккинчи бир кишини хафа этиши ёки бировга нисбатан зўравонлик қилиши мумкин эмас»¹⁰.

Амир Темур давридаги Самарқандни илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўша даврда бу ерда Абдужаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунший, Нўмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Алоуддин Коший, Жалол Ҳирӣ, Хўжа Муҳаммад Зоҳид каби машхур олимлар яшаб ижод қилган. Бу даврда Самарқанд Абдулмалик Самарқандий, Исмат Бухорий, Бисотий, Лутфуллоҳ Нишопурий сингари шоирлари билан шеърят оламида донг таратган. Агарда Амир Темур давригача Самарқандда форстилли назм ривожланган бўлса, Соҳибқирон ва унинг ворислари даврига келиб туркий тилдаги шеърят ҳам юксак чўққига кўтарилган.

Самарқандда ранг-тасвир санъати XIV-XV асрларга келиб жадал ривожланади. Айниқса, деворий сюжетли ва манзарали ранг тасвир равнақ топади. Тарихий маълумотларга кўра, мусаввирлар сарой деворларига соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, оила аъзоларининг турмуш тарзига хос ҳамда аслзодалар турмушини акс эттирадиган ранг-баранг суратлар чизишган.

Темурийлар даврида миниатюра санъати ҳам ривожланган. Бу санъат тури кўлёмаларни бадий безаш ишлари билан уйғун ҳолда камол топиб борган. Самарқанд миллий миниатюра санъати ривожида мусаввир Абдулҳайнинг хизматлари катта бўлган. Унинг шогирдларидан Пир Аҳмад Боғи Шамолий Амир Темур барпо этган Боғи Шамоли боғидаги кўшкни безашда иштирок этган ва боғнинг номини ўзига тахаллус қилиб олган. Амир Темур даврида яратилган ноёб миниатюралар бугун Истамбул, Париж, Лондон,

⁹ Ширинов Т., Жўракулов М., Исамиддинов М., Самарқанд – 2750, Тошкент 2007, 104 бет.

¹⁰ Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. –Т.: 2015, 136 бет.

Вашингтон, Санкт-Петербург каби шаҳарларнинг музей ҳамда кутубхоналарида сақланмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг бобосининг бунёдкорлик, ҳомийлик ишларини давом эттириб Самарқанднинг, умуман, Темурийлар давлатининг шон-шуҳратини юксак чўққиларга кўтарган шахс - Мирзо Улуғбекдир. У ислом дини ва илм-фан тараққиёти йўлида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Унинг шахсий ташаббуси билан ҳозирги Регистон майдонида ҳашаматли мадраса, Муқатта масжиди ва хонақоҳ барпо қилинган, шу ҳудуд атрофида карвонсарой ва ҳаммом ҳам қурилган. Бундан ташқари, Улуғбек, Соҳибқирон бобосига тақлид қилиб, Чўпонота тепалигининг ғарбий этагида Боғимайдон ва Чиннихона номи иккита боғ-сарой бунёд қилдирган.

1420 йилда Оби Раҳмат ариғининг ёқасида расадхона қурилиши бошланади, цилиндр шаклли, уч қаватли бу иншоот тўққиз йил мобайнида қурилган бўлиб, қурилиш тугаши биланок бинода илмий ишлар бошланган¹¹. Бу ерда Мирзо Улуғбек бошчилигида Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид Коший каби машҳур олимлар кечаю кундуз юлдузлар илми билан шуғулланганлар.

Тарихий манбаларда айтилишича, Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда 100 дан зиёд етук алломалар илм-фаннинг турли соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб боришган. Мирзо Улуғбек яратган бу илмий мактаб фан тарихига «Дорул-ҳикма» (Донишмандалар уйи) номи билан кирган.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқандга Хитой ва Тибетдан бир неча бор элчилар келишган. Ўз навбатида Улуғбекнинг элчилари ҳам Хитойга боришган. У ҳукмронлик қилган даврда пойтахт Самарқанд, Мобороуннаҳр халқининг иқтисодий аҳволи бирмунча яхшиланганлиги маълум. Улуғбек худди бобоси Амир Темур каби «тамға» солиғини жорий қилиб, бошқа солиқларни енгиллаштиради. Улуғбекнинг адолатли сиёсати туфайли 1449 йилгача Мовороуннаҳрда бирор марта ҳам халқ кўзғолони бўлмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тарихидан 130 йили Темурийлар салтанати пойтахти сифатида шону шавкатга йўғрилган ҳолда ўтди. Айниқса, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги пайтида бунёдкорлик, илм ва маданият мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Шу сабабли, 1370 йилан то 1500 йилларгача бўлган давр шаҳар тарихининг энг ёрқин саҳифасига айланди.

¹¹ Ширинов Т., Жўракулов М., Исамиддинов М., Самарқанд – 2750, Тошкент 2007, 116 бет.

II-БОБ. САМАРҚАНДНИНГ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРИ

2.1. Қадимий археологик топилмалар туризм соҳаси объекти сифатида

Мовароуннахр марказида, Зарафшоннинг чиройли водийсидаги географик кулай жойлашиши Самарқандни Марказий Осиё шаҳарлари ичида биринчи ўринга чиқарган бўлиб, бу ҳақда милoddан аввалги VI аср ва милoddан аввалги XVIII асрларнинг моддий гувоҳликларини сақлаган Афросиёб харобаларининг қазилмаси гувоҳлик беради.

Самарқанднинг шаклланиш ва ривожланиш даври Афросиёб ёдгорликларидан бошланади. Баҳорда кўм-кўк, ёзда эса ўт-ўланлар билан қопланадиган, ҳозирги Самарқанд шаҳрининг шимолида ястаниб ётган қир-у адирлар маҳаллий аҳоли томонидан «Афросиёб», «Афросиёб харобалари» ёки «Афросиёб тепалиги» деб атаб келинади. Бу тепаликлар бағрида қадимги Самарқанднинг бир неча минг йиллик ўтмиши ухлаб ётибди. Бир пайтлар ҳаёт қайнаган, гуллаб яшнаган шаҳар бугун асрларнинг залворли юки остида кўмилиб ётибди. Бу шаҳарнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ ёзма маълумотлар мавжуд эмас. Унинг пайдо бўлганлиги ҳақида тўқилган кўплаб афсона-ривоятлар ҳақиқат билан шу даражада чулғаниб кетганки, ҳақиқатни афсоналардан ажратиб олиш унчалик осон эмас.

Самарқанд тарихини ёритишга бағишланган «Қандия» ва «Самария» каби тарихий асарларда шаҳарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бир неча афсоналар келтирилган. Улардан бирида, бу шаҳарни Александр Македонский бунёд қилганлиги айтилса, бошқа бир афсонада эса, Шамир исмли Яман подшоси Хитой устига бостириб бораётиб, Самарқандни вайрон қилганлиги ва сўнгра қайта тиклаганлиги айтилади.

Бурхоний Котийнинг изоҳли луғатида ёзилишича, Самарқанд сўзи «Самар қишлоғи» деган маънони англатади. Самар турк подшосининг номи бўлиб, қанд «кент» сўзи шаҳар, қишлоқ деган маъноларни англатади. Луғатда подшо Самар томонидан қурилган қишлоқ кенгайиб шаҳарга айланганлиги айтилган. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, шаҳарнинг пайдо бўлиши ва ёши афсона-ривоятлар билан қўшилиб кетган. Шу туфайли, Афросиёб – Самарқанднинг ёшини фақатгина археологик тадқиқотларгагина суяниб ҳал қилиш мумкин.

Шарқ алломаларининг асарларида Афросиёб «Ҳисори кўҳна», «Қалъаи кўҳна» деган номлар билан маълум. Ҳозирги барчага маълум Афросиёб номи эса манбаларда XVII-XVIII асрлардан бошлаб учрайди. Шу ўринда Афросиёб номи қаердан келиб чиққан, деган савол туғилиши табиийдир. Маълумки, улуғ шоир Абулқосим Фирдавсий ўзининг машҳур «Шоҳномаси»да Эрон билан Турон ўртасидаги муносабатлар, низолар ҳақида сўз юритар экан, Туроннинг подшоси Афросиёб бўлганлигини ёзади. Махмуд Қошғарийнинг ёзишича, Турон подшосининг номи Алп Эр Тўнга бўлиб, форслар уни Афросиёб деб атаганлар. Самарқанд Алп Эр Тўнга – Афросиёбнинг пойтахти бўлганлиги учун, унинг илк ўрни ҳам Афросиёб номи билан аталиб кетган. Атрофи баланд

жарлар билан ўралган, ҳозирда 219 гектор майдонни эгаллаб турган Афросиёб шаҳарчасидаги илк қазилма ишлари Туркистонни Россия империяси истило қилганидан сўнг бошланган.

1883 йили В.Крестовский илк марта бир неча ҳарбийлар иштирокида қазилма ишларини бошлади ва кўплаб тарихий буюмларни қўлга киритди. Бу қазилмалар илмий услубий тадқиқотлардан жуда йироқ бўлсада, рус ҳарбийлари ва зиёлилари ўртасида Самарқанд тарихига бўлган қизиқишни кучайтирди. Шундан сўнг яна бир неча ҳарбий амалдорлар Афросиёбда қазилма ишларини олиб боришиб, жуда кўплаб тарихий буюмларни топганлар. Афросиёбни илмий томондан ўрганиш В.Вяткин, А.Тереножкин, М.Массон, В.Бартолд, Я.Ғуломов, Ш.Тошхўжаев, В.Шишкин каби археолог ва шарқшуносларнинг фаолиятлари билан боғлиқдир. Бу заҳматкаш олимлар Афросиёб бағридаги кўплаб сир-асрорларни ўрганиб, жамоатчиликка маълум қилдилар.

Афросиёбда ўзбек-француз қўшма экспедицияси ҳамкорлигида қазилмалар олиб борилган бўлиб, француз археологлари Пол Бернар, профессор Фран Грене ва ўзбек археологи М.Исомиддиновлар кейинги йилларда бу ердан Самарқанд тарихига оид ғоятда муҳим илмий кашфиётларни қўлга киритганлар.

Афросиёб шаҳарчаси қадимданок мустаҳкам мудофаа девори билан ўралган ва унинг ичида ҳукмдор арки, шаҳарликлар яшаши учун шахристон барпо қилинган. Шаҳристон ичида бир неча маҳаллалар, кенг, равон кўчалар, майдонлар ва бозорлар бўлган. Шунингдек, шаҳар ичида ҳашаматли Жомеъ масжид, аслзодаларнинг саройлари, зилол сувларга тўла ҳовузлар ҳам барпо қилинган. Шаҳар ичига ичимлик сув Жуйи арзис (Қорғошин арик) орқали киритилган. Оқова сувлар эса махсус сопол қувурлар орқали ташқарига чиқариб юборилган. Бу мураккаб инженерлик тармоқлари ўша давр учун энг илғор кашфиёт эди. Археологик тадқиқотлар туфайли юқорида тилга олинган иншоотлар ва деворлар топилиб ўрганилган.



3-расм. Афросиёб шаҳарчасининг тарихий кўриниши

1965 йил археолог олимлар академик Я.Ғуломов раҳбарлигида VI-VII асрларда барпо қилинган ҳашаматли сарой қолдиқларини топиб очганлар. Сарой деворларини тозалаётган археологлар ҳайратдан лол қолганлар чунки деворларга ранг-баранг бўёқлар билан нафис сураатлар чизилган экан. Сураатлар бир неча асрлар мобайнида зах тупроқ тагида ётганлигига қарамай, уларнинг ранги ҳайратланарли даражада тиниқ эди. Самарқанд ҳукмдори – подшоҳ Вархуман саройи деворларига ўз даврининг моҳир мусаввирлари томонидан чизилган ушбу сураатларнинг мавзуси турли-туман эди, сураатларда Самарқандга турли мамлакатлардан келаётган элчилар, филларда сайр қилаётган маликалар, тўй маросимлари, ов маросимлари акс эттирилган бўлиб, ҳар бир персонаж ҳаққоний қиёфага эгадир. Ушбу деворий сураатлар Сўғдиёна тасвирий санъатининг нақадар юксак бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.



4-расм. Афросиёб деворий суратидан намуна

Афросиёбнинг кулоллар ва заргарлар маҳаллаларидан топилган кулолчилик, заргарлик буюмлари ҳам юксак маҳорат, дид билан яратилганлиги боис яққол ажралиб туради.

Афросиёбда сўнгги йилларда ўзбек ва француз археологлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар бу шаҳарнинг ёши 2750 йил эканлигини исботлади. Бу эса Афросиёб – Самарқанд қадимги Римнинг Шарқдаги тенгдоши эканлигини кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари Самарқанд вилояти ҳудудида Дарғом каналининг чап қирғоғида илк ўрта асрлар даврига тегишли Самарқанд ҳукмдорларининг ёзги саройи топилган бўлиб, ушбу шохона сарой Кофирқалъа номи археологик ёдгорликда жойлашган. Турли йилларда ёдгорликнинг турли участкаларида стратиграфик характердаги кичик қазилма ишлари амалга оширилган, 2001 йилдан бошлаб эса 16 гектарли қадимги шаҳарнинг 76х76 метрли Арки аълоси майдонида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология

институтининг археологлари кенг қамровли археологик қазишма ишларини олиб боришмоқда. Натижада қадимги шаҳарнинг қалъа қисмида 2017 йилда монументал меъморий мажмуа очилди.

Милодий V-VI асрларга оид мажмуада Самарқанд ҳукмдорларининг давлат архиви ва ёзги саройи жойлашган бўлиб, ёнғин туфайли вайронага айланган архивдан ноёб давлат ҳужжатлари (давлат бошқарувига оид ҳужжатлар, элчилик хатлари, давлатлараро шартномалар ва бошқалар) булла деб аталган тахтакачларда суғдий ёзув намуналари топилган.

Саройнинг ёғоч устунли кўркам хоналаридан бирида уч ярусли суфа, суфа устида эса шерсифат кўринишдаги тахтиравонда ҳукмдор ўтирибди. Хонанинг деворлари ўйма ёғоч панно шаклидаги расмлар галереяси билан безатилган. Унинг ўлчамлари 124х141см, паннонинг ўзи иккита кенг доскадан иборат бўлиб, улар темир тутқич билан бириктирилган. Олд томондан тахталарда зардуштий инсонлар суратлари тўрт қаватга жойлаштирилган.

Композицияда жами 46 та одам шакли тасвирланган (уларнинг учтаси шартли кўринишда, юқоридан чап қисмдаги иккита шакл аранг кўринади, ўнг томондаги шаклнинг фақат қўли кўринади). Композициянинг асосий мавзуси – шер шаклида тахтга ўтирган бош Илоҳга сажда қилишдир. Бу зардуштийликнинг бош маъбудаси буюк худо Нана бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Одамлар унинг ҳузурига турли хил совғалар билан келганлар. Пастки қаватда мусиқачилар галереяси тасвирланган. Ундан кейинги пастки қаватда яна қўллари турли хил совға-саломлар билан келган зиёратчилар суратлари тиз чўккан ҳолда акс эттирилган.



5-расм. Буюк Нана сурати ёғочга ўйиб шиланган деворий панно

Пастки қават суратлар галереяси марказида муқаддас олов рамзи – Алтарь жойлашган бўлиб, муқаддас алтарга бир томондан оғзи латта билан боғланган эркак топинмоқда, иккинчи томондан эса аёлсифат фигура алтарь

оловига хушбўй арамат ўсимлик кукунини сепмоқда. Ушбу муқаддас шоҳона зал ва зардуштийлик маъбудаларининг энг улуғларидан бири, буюк Нана сурати ёғочга ўйиб ишланган деворий панно VIII аср бошларида арабларнинг Қутайбо бинни Муслим бошчилигидаги ҳарбий қўшини томонидан ёқиб юборилган. Бундай кўп қиррали аниқ суратлар композицияси Ўрта Осиё археология тарихида баринчи марта учради, бу дунё аҳамиятига молик ноёб кашфиётлар сирасига киради. Ҳозирда ҳудудда қазилар ишлари давом этмоқда.

2.2. Самарқанднинг маданий-тарихий туристик ресурслари

Самарқанднинг кўп асрлик тарихи давомида ҳудудда маданият, санъат, фан, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ривож топди, кўплаб бинолар, иншоотлар қурилди. Айниқса, буюк соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд шаҳри янада гўзаллашди.

Ҳозирги кунда вилоят маданий-тарихий туристик ресурсларга бой ҳисобланади. Самарқанднинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Финландияда ўтказилган 25-сессиясида жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Ўзбекистоннинг бу туристик масканида Афросиёб (эрамиздан олдинги VIII аср) шаҳарчаси, Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шохи Зинда архитектура мажмуаси, Ҳазрати Ҳизр масжиди, Бибиҳоним масжиди, Чорсу бозори, Рухобод мақбараси, Оксарой мақбараси, Амир Темур мақбараси, Намозгоҳ масжиди, Ашратхона мақбараси, Хўжа Аҳрори Валий мажмуаси, Чўпон-Ота мақбараси, Хожа Абду Дарун қабристони, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, вилоят туманларидаги Остона-бобо зиёратгоҳи, Қарнобчўл эколандшафтлари, Эргаш Жуманбулбул ўғли дostonчилик мактаби, Хўжа Карзонота зиёратгоҳи, Қўтирбулоқ дам олиш маскани ва шифобахш булоғи, Добуссия қалъа харобалари, Зарафшон дарёси ва Зарафшон кўрикхонаси, «Чорчинор» зиёратгоҳи, Ғовсул Аъзам зиёратгоҳи, Тешиктош, Қайнар, Ширвоғота зиёратгоҳи ва дам олиш масканлари, Омонқўтон дам олиш масканлари, эски давон йўллари, тахти Қорачабегим саройи хароболари каби кўплаб туристик объектлардан минтақада туризм соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин.

Вилоят ҳудудида 975 археологик, 581 меъморий, 34 зиёратгоҳ жой, 36 монументал, 11 музейлар – жами 1626 та тарихий-маданий мерос объектлари мавжуд (1-жадвал).

Самақанд вилояти тарихий-маданий мерос объектларининг ҳудудий тақсимоти¹²

№	Туман, шаҳарлар номи	Жами тарихий обидалар сони	Музейлар сони	Меъморий объектлар сони	Археология объектлар сони	Зиёратгоҳ жойлар сони	Монументал объектлар сони
Вилоят бўйича		1626	11	581	975	34	36
	<i>шаҳарлар:</i>						
1	Самарқанд ш	490	8	417	14	23	36
2	Каттақурғон ш	23	1	23	-	-	-
	<i>туманлар:</i>						
3	Булунгур	25		6	19	-	-
4	Жомбой	45		6	39	-	-
5	Иштихон	70	1	8	62	-	-
6	Каттақурғон	50		8	42	-	-
7	Қушработ	57		3	54	-	-
8	Нарпай	56		10	46	-	-
9	Нуробод	55		5	50	-	-
10	Оқдарё	114		8	105	1	-
11	Пайарик	97		6	91	-	-
12	Пастдарғом	148		3	144	1	-
13	Пахтачи	41	1	9	32	-	-
14	Самарқанд	140		34	102	4	-
15	Тайлоқ	71		13	58	-	-
16	Ургут	144		22	117	5	-

1. Регистон ансамбли – Қадимий Самарқанд шаҳрининг расмий маркази Регистон майдони ҳисобланади. Регистон майдони тарихда шаҳарнинг илм-фан, сиёсат ва диний маркази бўлиб, шарқдаги шаҳар қурилиши санъатининг энг кўзга кўринарли намуналаридан бири ҳисобланади. Ансамбл 2001 йилда ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритилган. Ўрта асрларда ҳамма катта шаҳарларда марказлар «Регистон» деб аталар эди. «Регистон» сўзи «қумли жой» деган маънони билдиради. Шу номдаги майдонлар Бухоро, Шаҳрисабз ва Тошкентда ҳам бўлган. Самарқанддаги майдон эса Ўрта Осиёдаги энг маҳобатли ва таҳсинга сазовор майдонлардан бири бўлган.

Бу майдонда бир неча минг йиллик тарих мужассам. Амир Темур подшоҳлиги даврида Регистон Самарқанднинг марказига айлантирилган. Франциянинг машҳур GEO нашри баланд минорали муҳташам мадрасалар ўраб турган Регистон майдонини «Самарқанднинг дурдонаси», -дея таърифлайди ҳамда «Ўз нақшинкорлиги ва гўзаллиги билан Регистон майдонидек диққатга сазовор масканни сайёрамизда топиш мушкул», -деб ёзади.

Регистон ансамбли ўзида 3 та мадраса: Улуғбек мадрасаси (1417-1420), Шердор мадрасаси (1619-1636) ва Тиллакори мадрасаларини (1647-1660) мужассам этган.

¹² Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси Самарқанд бошкармаси маълумоти.



6-расм. Регистон ансамбли

1. Улуғбек мадрасаси (1417-1420). Мадраса 1417-1420 йилларда Мирзо Улуғбекнинг фармонида биноан қурилган. Улуғбек мадрасаси меъморчилик асари сифатида Шарқ обидаларининг мумтоз намунасидир. XV асрда Регистонда қурилган барча иншоотлардан фақатгина Мирзо Улуғбек мадрасаси, бир мунча хароба ҳолида бўлса ҳам, бизгача етиб келган. Мадраса икки қаватли бўлиб, 55 та хужра ва тўрт бурчагида катта дарсхоналар ҳамда айвонлардан иборат бўлган. Махсус таълим олиш учун белгиланган хужраларда 2-3 толиби илмлар ўқиш ва яшаган. Ҳар бир хона ўқиш, яшаш ва алоҳида қисмида керакли нарсаларни сақлаш вазифасини бажарган. Дарсхоналарда алоҳида гуруҳлар учун фан машғулотлари ўтказилган. Айвонлар ёзги дарсхона вазифасини бажарган. Ғарб тарафдаги икки дарсхона ўртасида масжид жойлашган. Унинг дарсхонаси ҳамда ҳовли билан боғловчи иккита эшиги бўлган. Мадраса баланд пештоқлидир. Унинг ён томон деворлари, йирик ҳандасавий нақшлар билан безатилган. Улуғбек мадрасасининг иккинчи қаватидаги хоналарда катта кутубхонаси мавжуд бўлган. Буюк Амир Темур ва фарзандлари томонидан жамланган китобларнинг кўпи анашу ерда сақланган. Улуғбек мадрасасида барча диний ва дунёвий фанлардан чуқур билим бериш яхши йўлга қўйилган. Мадрасада таълим берган юздан зиёд замонасининг машҳур олимлари ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Олимлар билан Улуғбекнинг ўзи бевосита суҳбат ўтказган ва илмий мукамаллигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг мударрисликка рухсат берган.

Машҳур олимлардан – Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Муъиниддин Коший кабилар мадрасанинг етакчи олим ва мударрисларидан бўлишган. Мадрасада бошқа олимлар билан бир қаторда Улуғбекнинг ўзи ва шогирди Али Қушчи ҳам турли фанлардан дарс беришган.



7-расм. Улуғбек мадрасаси


Учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган бир градусли ёйнинг синусини аниқлаш Улуғбек ва унинг мактаби эришган ажойиб ва энг муҳим муваффақиятлардан бири бўлган бўлса, яшаш жойларининг координатларини аниқлаш, 1018 юлдузни ўз ичига олган мукаммал юлдузлар жадвалини тузиш, қуёш йилининг 365 кун 10 дақиқа 8 сониядан иборатлигини беҳато ҳисоблаб чиқиш (хатоси 0,58 сония холос), эклиптиканинг ерга нисбатан оғмалиги ва етти сайёра ҳаракатининг кашф этилиши Самарқанд академиясини дунёга танитди ҳамда бутун илму фан намояндалари диққатини ўзига жалб эта олди. Натижада, Самарқанд дунёда ягона аниқ фанлар марказига айланди.

2.Шердор мадрасаси (1619-1636). Шердор мадрасаси сатҳи 70х57 метр, яъни тўрт бурчакли шаклда бўлиб, ҳовлиси икки қаватли ҳужралар билан ўраб олинган, уларнинг сони 52та, ҳовлининг бурчакларида дарсхоналар жойлашган. Аммо бу обидада масжид йўқ, жануби-ғарбий дарсхона эса зиёратхона ҳисобланган, чунки унга ташқи томондан бевосита Имом Муҳаммад ибн Жаъфари Содик мозори мақбараси туташган. Шердор мадрасаси фасадидаги минора ва гумбазлари Улуғбек мадрасасига ўхшаш, аммо орқа томондаги фасадлар бурчаги гулдаста миноралар билан ўралган. XVII асрга келиб ер сатҳи маданий қатламларининг кўтарилиши туфайли XV асрдаги дастлабки ер сатҳидан икки метрга яқин баланд кўтарилган. Анашунинг учун бир мунча паст кўринган Улуғбек мадрасасининг қисқарган шаклидек барпо этилган. Шердор мадрасаси қурилганда XVII аср меъморчилигига хос анча янгиликлар қўлланилган, қурилиш жараёнини тезлаштирувчи ва арзонлаштирувчи илғор усуллардан фойдаланилган, аммо бадиий безакларнинг таъсир кучи бир мунча пасайиб кетганлиги сезилиб турибди. Лекин рангларнинг ўз ўрнида ишлатилганлиги ва айрим панноларнинг ғоят нафис бажарилганлиги бу ёдгорликни яратган меъмор ва наққошларнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Нақшлар бутун обида юзини қоплаган. Уларда чок, йирик хандасавий сулс, куфий ёзув нақшлари ва гул бандлари тасвирларда уйғунлашган бўлиб, фақатгина Самарқанд обидаларига хос тарзда ишланган. Айнан шу усул Самарқанд меъморий безаклар мактабини ташкил қилади. Улкан пештоқ равоғи

тепасидаги тимпон диққатга сазовордир: Қизғиш зарҳал шер, оқ охуни қувиб кетмокда. Қуёш бодомқовоқ, кийик кўзли доира шаклида тасвирланган. Унинг юзи эса зарҳал ёғду билан хошияланган. Бутун композицияси зангори асосда бўлиб, фируза ва зарҳал бўёқлар билан тасвирланган ҳамда бир-бирига чирмашиб кетган навдалар, очилиб ётган оқ гуллардан иборат. Анашу ажойиб тасвир туфайли у «Шердор» номини олган, яъни «Шерларга эга бўлган» мумтоз мусулмон астрономиясида қуёшнинг Асад буржида, яъни Шер устида бўлиши саъд, яъни бахтиёр замонга ишорадир. Бундан ушбу бинонинг абжад ҳисобида: Ялангтўш – 816, Баҳодир – 212, жами 1028 ҳижрий ҳисоби, мелодий ҳисобда 1619 рақамининг келиб чиқиши Шердор мадрасасининг қурилиши 1619 йилда бошланганлигига ишорадир.

Мадраса ҳовлисининг декоратив безалиши ҳам унинг ташқи деворлари сингари бой ва хилма-хилдир. Мадраса деворларига битилган ёзувларга уни яратган машҳур меъморлар - уста Абду Жаббор ва ўймакор наққош Аваз Самарқандий номлари ҳам ёзиб қолдирилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан, бинонинг жанубий ва шарқий фасадларини, икки минорани, бош фасадни, пештоқ аркини қайта тиклаш ва ички ҳовлисида консервациялаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди.



8-расм. Шердор мадрасаси

3. *Тиллакори мадрасаси (1647-1660).* Ялангтўш Баҳодир Шердор мадрасасини қурдирганидан ўн йил ўтгандан сўнг, Улуғбек томонидан қурилган Карвонсаройни тиклаш имконияти бўлмаганлиги сабабли, унинг пойдевори устидан янги мадраса – масжид қурдирган. У кейинчалик Тиллакори мадрасаси деб аталган. Тиллакорининг қурилиши билан Регистоннинг ажойиб бир ансамбли мукаммал шаклга келади. Ушбу обиданинг меъмори майдондаги ҳамма биноларнинг яхлит бир бутун бўлишини таъминлаш учун Тиллакори мадрасасини мавжуд иморатларга мослаштиради. Иморатларни қуришда ўша даврда қўлланилган меъморий қоида-қонунлардан чекинишга тўғри келган.

Тўрт томони туташдек тасаввур бўлиши учун мадраса фасадини жуда узун қилишга тўғри келган.

Мадраса-масжиднинг умумий композициясида масжид марказий ўринни эгаллаши лозим эди. Бироқ меъмор симметрик майдонда яна бир марказ бўлишини лозим кўрмаган, бу эса унинг яна бир муваффақияти бўлган. Тиллакори мадрасаси фасад қисмининг архитектураси иккита бир хил мадрасага мос тушган. Масжид асосий ўқдан четда, бир қаватли хужралар билан ўралган катта ҳовлининг ғарб томонидадир. Мадраса олд томони фасадининг икки қаватли қилиб ишланганлиги улкан ва ҳашаматли Мирзо Улуғбек ҳамда Шердор мадрасаларининг маҳобатлилигини таъминлаган.

Ҳовлининг ички композицияси симметрия бўлиши учун ҳар бир фасаднинг қоқ ўртасида шинам пештоқ қилинган. Кириш қисмининг чап томонида ғарбий фасад бўйлаб катта масжид жойлашган, унга асосий эшикдан кирилган. Масжиднинг тўрида одатдагидай қиблага қараб қурилган мармар меҳроб бўлиб, унинг ўнг тарафида эса мармар зинали баланд минбар жойлашган. Масжиднинг асосий хонаси, ҳатто мармар озораси ҳам бўртма нақшлар ва зар билан безатилган. Қисқа вақт ичида Улуғбек мадрасасининг иккинчи қавати ҳам қайта тикланиб, қадимий ҳолатига келтирилди. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ушбу ёдгорликларнинг таъмирланиши маданий меросимизга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.



9-расм. Тиллакори мадрасаси

2. Бибихоним жомеъ масжиди. Бибихоним жомеъ масжиди Марказий Осиёдаги энг йирик иншоотлардан бири ҳисобланади. Бибихоним жомеъ масжидининг умумий саҳни 167х109 м. бўлиб, бурчакларида баланд миноралар бўлган ва улар бизгача номаълум сабабларга кўра бузиб юборилган. Ҳозирги вақтга келиб бу миноралар қайта тикланди. Таъмирланишига қадар жомеъ масжид бир-бири билан боғланмаган бта меъморий бўлаклардан иборат бўлган.

Масжиднинг ҳовли саҳнига мрамртош тахталар ётқизилган. XV аср ўрталарида Мирзо Улуғбек фармонида биноан ҳовли ўртасида мрамр тошдан ясалган улкан лавҳ ўрнатилган. У Қуръон ўқиладиган махсус курси бўлиб, дастлаб асосий бино ичида турган. 1875 йилда катта гумбазнинг қулашидан хавфланиб, ҳовли ўртасига чиқариб қўйилган. Лавҳнинг атрофи нафис ҳошиялар, муқарнаслар, ўсимликсимон нақшлар ва ёзувлар билан безатилган. Жомеъ масжиди пештоқи маҳобатли бўлиб, ўртасида кенглиги 18,8 метрли равоқ мавжуд. Ён томонларидаги миноралар пештоқдан баланд бўлган. Пештоқнинг ички томонида кичикроқ (иккинчи) равоқ ўрнатилган. Равоқнинг ёнлари ўймакор мрамр тошлар билан безатилган. Унинг устидаги лавҳасида масжиднинг қурилган йили ва Амир Темури шажараси ёзилган. Қўш табақали дарвоза эса етти хил темир қотишмаси, «хафт жўш»дан ясалган. Жомеъ масжидининг асосий (меҳробли) биноси Амир Темури замонасининг меъморий услублари тўғрисида маълумот беради. Масжид гумбазининг доира асосли сиртига муқаддас Қуръон оятлари битилган бўлиб, гумбаз феруза қошинлар билан пардозланган.



10-расм. Бибихоним жомеъ масжиди

Масжид ёнидаги икки кичик бино меҳробли хонанинг асосан кичик ҳажмдаги такрори бўлса-да, нақшларининг соддалиги ва гумбазининг жимжимадорлиги билан фарқ қилади. Жомеъ масжидининг ички қисмини пардозлашда наққошлик безаклари қаторида зарҳал бўртма гулқоғоздан фойдаланилган.

Бибихоним жомеъ масжидида кейинги даврда таъмирлаш, тиклаш бобида туб ўзгаришлар амалга оширилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

3. Мирзо Улуғбек расадхонаси. Тарихдан маълумки Мирзо Улуғбек 1409 йилда тахтга келиб шаҳарни янада ободонлаштиргани Мовароуннахрнинг илмий ва маданий маркази бўлиб қолишини таъминлади. У математика,

астрономия фанининг энг илғор олимларини Самарқандга чорлади, расадхона қуришга фармон берди. 1424-1428 йиллар мобайнида Самарқанднинг шимолида Обираҳмат ариғи бўйидаги Кўҳак тепалиғи бағрида жаҳонга машҳур расадхона қурилди. Бунгача фалакиётни кузатув илмий ишлари 1417-1420 йилларда қурилган (ҳозирги Регистон майдонидаги) Улуғбек мадрасасида олиб борилган.

Расадхона цилиндр шаклида уч қаватли, баландлиғи 30м.дан иборат улкан бино бўлиб, унда радиуси 41 м ли гигант квадрант бўлган. Квадрантнинг жанубий қисми ер остида жойлашган бўлиб, қолган қисми шимол томонда ер сатҳидан 30 м баланд бўлган.

Мирзо Улуғбекнинг вафотидан кейин унинг илмий ишлари бир неча вақт давом этиб, кейинчалик расадхона вайронага айланган. Ҳатто расадхонанинг жойини аниқлашни имкони мушкул масала эди. 1908 йилда Самарқандлик ўлкашунос олим, археолог В.Л Вяткин (халқ орасида Воси ака номини олган) Самарқандлик олим Абу Саъид Маҳзум билан ҳамкорликда Бобур Мирзонинг «Бобурнома» ва Абу Тохир хожанинг «Самария» номли тарихий асари ҳамда вақфнома ҳужжатидаги маълумотларга асосланиб, расадхонанинг жойлашган жойини аниқлашга мувофиқ бўлдилар. 1908-1909 йилларда қазилар ишлари олиб борилди, бу эса бутун дунё олимларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Қояни ўйиб қилинган чуқурликда мармардан ясалган иккита параллел ёй, меридиан радиуси 41 м га тенг бўлган жуда катта квадрат (қурилма)нинг бир бўлағи топилди. 1946-1948 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг экспедицияси қазилар ишларини ниҳоясига етказди. Бобур Мирзонинг ёзишча, расадхона уч Ошиёнлик бино бўлиб, тўғарак шаклида бўлган, бинонинг деворлари сирли қосинлар билан қопланган. Абдураззоқ Самарқандий бу нодир обиданинг ички қисмини шундай тасвирлайди: «Бинонинг ички қисми жаҳонда тенги йўқ ранг – баранг нақшлар билан безатилиб, девор ва шифтларида осмон градус (даражалари), дақиқалари, ҳатто сонияларигача ҳисобланиб, етти сайёра ҳамда «ҳаракатсиз» (собита) юлдузлар, шунингдек, ер қурраси, етти иқлим, тоғу саҳролар ва дарё-ю денгизлар ҳамда уммонларгача тасвирланган». Расадхона 1424-1428 йилларда қурилганлиги ҳақида Абу Тохир хожанинг «Самария» китобида ҳам аниқ маълумотлар берилган. 1417 йилда Мирзо Улуғбек фалакиётшуносларни чорлаб астрономик жадвал тузиш ва расадхона қуриш ҳақидаги режаларни муҳокама қилади.

Кузатувлар шу йили бошланиб, 30 йилдан сўнг яъни 1447 йилда тугайди. Барча сайёраларнинг қуёш атрофида айланиши кузатилади. Бу даврга келиб «Зижи» асари ҳам ёзиб тугатилади. Расадхонада баъзи кузатувларни оддий кўз билан ҳам яъни асбобларсиз ўтказиш имкони бўлган. Расадхона квадрантнинг диаметри 80 м, унинг ёйни узунлиғи эса 63 м бўлган. Бу Шарқдаги мавжуд асбоблардан энг йириғи бўлган, Беруний ҳам улкан диаметрли квадранти (15 тирсаклиғи) ҳақида маълумот берган.




11-расм. Мирзо Улуғбек расадхонаси

Қурилишга ўз даврининг машҳур олимлари - астроном, математик, меъморлар жумладан, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар жалб қилинган. Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг расадхона Муҳаммад Али Қушчи ва Мирам Чалабий раҳбарлигида яна бир неча ўн йиллар фаолият олиб борган. 1994 йил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг фармонида биноан Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Республикамизда «Мирзо Улуғбек» йили деб элон қилинди. Бинонинг сейсмик талабларга жавоб бермаслиги ҳисобга олиниб Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида 2010 йил музей биноси янги кўринишида қад кўтарди.

4. Нодир Девонбеги мадрасаси. Нодир Девонбеги мадрасаси нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида бири, буюк назариётчи ва нуфузли шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор зиёратгоҳига яқин жойлашган бўлиб, ҳижрий 1040 (мелодий 1631) йил аштархонийлар сулоласининг намояндаси Субҳонқулихон салтанати даврида, Нодирбий Тоғай номи билан танилган Нодир Мирзо Тоғай ибн Султон Арлот томонидан қурилган.

Бу мадраса Хожа Аҳрор хонақоси ёнида жойлашганлиги боис, халқ орасида «Хожа Аҳрор мадрасаси» деб ҳам юритилади. Мазкур мадрасанинг Хожа Аҳрори Валий хонақосининг ёнида барпо қилинишини Нодир Мирзо Тоғай ибн Султоннинг Хожага бўлган чексиз ҳурмати белгиси, деб тушуниш мумкин.

Нодир Девонбеги мадрасаси лойиҳасини ишлашда Регистоннинг Шердор мадрасаси биноси кўринишидан ижодий фойдаланилган. «Иккинчи Шердор» мадрасаси (халқ орасида шундай деб юритилади). 1978 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Ҳаққулов ташаббуси ҳамда раҳбарлиги остида қайта таъмирланган.



12-расм. Нодир Девонбеги мадрасаси

Мадраса пештоқидаги шер суратининг акс эттирилиши, катта ҳовли четларидаги ҳужраларнинг жойлашиши Регистондаги Шердор мадрасасининг нусхасини такрорлайди ва ундан фарқли ўлароқ, бу ерда миноралар йўқ. Мадраса бир қаватли қурилган бўлиб, XVI-XVII асрларда кенг тарқалган ҳашаматли ва шарқона тўрт айвонлилик усулида бунёд этилган. Мадрасанинг пештоқида қурилишнинг бошланиш вақтини кўрсатувчи ёзувлар битилган. Улар нақш безаклари билан уйғунлашиб кетган. Бу ёзувларни нақшлар билан ҳашаматлаштириш Хожа Ҳошим ва муҳандис-қурувчи Дўстмуҳаммадлар ижоди ва безак санъатининг намунасидир.

Мадраса катта масжид, дарсхона вазифасини ўтаган зал, тўртта дарсхона ва 28 та ҳужралардан иборат. Катта зал устида ҳашаматли гумбаз мавжуд.

5. Ашратхона. Самарқанд чеккасида жойлашган Ашратхона мақбараси теурийлардан бўлмиш Абу Саид қизининг қабри устида, 1464 йили тикланган. Ихчам тўртбурчак режада тарафлари чуқур тоқчалик квадрат шаклдаги марказий хона жойлаштирилган. Унинг икки тарафидан қошқават бир неча хоналар жойлашган¹³.

Марказий хонанинг остида кенг сағана бор. Кичик ҳажмли пешайвонлардан иборат паст бинолар ўртасида катта аркли ҳашаматли пештоқ жой олган. Қолган икки қаватли олдтарафлар зийрак хошиялар ва оралари арклардан иборат горизонтал белбоғлардан тузилган.

¹³ Барри Лейн М., Ашрафи Ф.М., Усмонов Б.М., Икромов А.Н., Рахмонов А., Самарқанд меъморчилиқ ёдгорликлари. – Т.: 2001, 13 бет.



13-расм. Ашратхона

Марказий бино бир-бирини кесиб ўтган айил арklar, уларнинг елкансимон қисмлари устидан деярли узун доира девор гумбаз билан тожланган. Бинонинг ташқи юзалари махсус чархланган ғиштлардан қопланган. Уларнинг оралиғи бир сантиметрга чуқурлаштирилиб, сирсопол «чўпаклар» билан тўлдирилган. Ғишт юзаси текислигида терилган сирсопол кошин алоҳида содда оҳангни яратади. Мақбаранинг ички хоналарида жозибадор, мукаммал нақшлар қўлланган.

Деворлар ва елкан шаклидаги шиплар майда, текис туйнукчалардан иборат бўлиб, улар «кундал» услубида бўртиқ қизил фон устидан майда кўк ва тилло ранглар билан нақшланган: девор пасти эса марказий хонада доира шаклдаги кўк ва яшил, ён хоналарда эса қия терилган квадрат шаклдаги тасмалардан қопланган.

6. Оқсарой – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (XV аср). Темурийларнинг сўнгги даҳмаси. Оқсарой қўшимча даҳма сифатида Абу Саид (1449-1469) ва Султон Аҳмад Мирзо (1469-1494) ҳукмронлиги даврида қурилган. Мақбара пишиқ ғишдан ганч қоришмасида терилган. Оқсарой чортоқ тарх шаклидаги катта хона ва қарама-қарши жойлаштирилган хоналардан иборат. Бош тарзи жанубга қараган. Ўртадаги миёнсарой тагида сардоба жойлашган.

Оқсарой қурилишида ўша давр меъморчилигига хос мураккаб усуллар қўлланилган: катта хона гумбази 4 катта равоқ ва ўзаро кесишган равоқчалар ҳамда тоқилар ёрдамида ёпилган.



14-расм. Оқсарой меъморий ёдгорлиги

Бу қурилмалар шарафа ва ганч безаклари билан пардозланган. Безакларнинг кўп қисми кундал услубида бажарилган. Нафис ишланган оқ, кўк ранглар олтин хал билан ўзаро уйғунлашиб ажойиб кўриниш касб этган. Нақш шакллари ўзаро такрорланмаган. Бир равоқдаги нақшда бир-бирига ўхшамайдиган 67 хил безакгул бўлган. Бинонинг ташқи меъморчилиги ниҳоясига етказилмаган. Катта хона ташқи гумбази, 8 киррали пойгумбази тугалланмаган. Оқсарой темурийлар даври меъморчилигининг ноёб намунаси ҳисобланади.

2.3. Самарқанднинг туристик зиёратгоҳ ресурслари

Самарқандни азиз, муқаддас авлиёлар ва буюк инсонлар абадий қўним топган жой тарзида эъзозлашади. Халқимиз дин уламолари, буюк кишилар, авлиёлар қабристонларини зиёрат этиш, ўтганлар руҳини шод этиш мақсадида Самарқанд шаҳри ва унинг туманларидаги зиёратгоҳларга ташриф буюришади. Самарқандда диний туризмни ривожлантириш ресурслари, яъни Шоҳи-зинда ансамбли, Ҳазрати Ҳизр, Рухобод, Имом ал-Бухорий, Мотурудий, Ҳазрати Довуд, Чор чинор ва бошқа кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд.

Мутахассислар изланиши шуни кўрсатадики, Самарқанддаги қабристонларнинг 28 таси ҳақида маълумотлар тўла ўрганилган. Худуддаги IX-XI асрларга оид Шоҳи-Зинда, Ҳазрати Ҳизр, Чокардиза, XIV-XV асрга таалукли Хўжа Ғулом, Абду Дарун, Хўжа Абду- Берун, Султон Хавондбека (Ашратхона), Хўжа Ахрор Вали, Хўжа Мухаммад Сангирасон, Кутби Чоҳардахум каби қабристонлари мавжуд.

Вилоятда зиёрат туризм салоҳиятининг юқорилигини эътиборга олган ҳолда мавжуд зиёратгоҳларнинг маршрутларга киритиш лозим. Шунинг учун

уларни туризм нуктаи назаридан ўрганиш, маълумотлар базасини яратиш ҳамда хариталаштириш долзарб масала бўлиб келмоқда.

1. Шоҳи Зинда ансамбли. Шоҳи Зинда, яъни «Тирик шох» мақбаралар мажмуаси ўтмиш аجدодларимиз тарихи ва тақдирида алоҳида ўрин тутadi. У кўҳна Самарқанднинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, муқаддас зиёратгоҳлардандир. Шоҳи Зинда номи Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччалари Қусам ибн Аббос номи билан боғлиқ. Ғиёсиддин Жавҳарийнинг ёзишича, ҳазрат Қусам ибн Аббос Муҳаммад (с.а.в.)ни вафот этгандан сўнг ювганлардан биридир. Ўша чоғда Қусам 8 ёшда бўлган. Пайғамбаримизни ҳадисларида айнан у киши тўғрисидаги қуйидаги сўзлари Қусам ибн Аббосни кириш эшикларини пештоқида ёзилган: «Қусам ибн Аббос ўз хулқлари ва ташқи кўринишлари билан менга ўхшайдиган шахслардандир» дейилган. Ҳазрат Қусам имом Хасан билан эмишган ака-укадур. Қусам ибн Аббос Ҳазрат Амир-ул мўминин Али ибн Абу Толиб халифалиги даврида Макка шаҳрида ҳоким бўлган. Унинг вафотидан сўнг Муовия ибн Абу-Сўфиён замонида Хуросон ҳокимлигига тайинланган. Усмон ўғли Саъид билан Мовароуннаҳрға келган. Усмон ўғли Саъид Самарқандни олиб, халқ мусулмончиликка қабул қилган, динни кучайтирмоқ ва шариат ҳукмларини юргузмоқ ниятида Қусамни бир қанча ислом қўшини билан Самарқандда қолдирган. Унинг асосий вазифаси мамлакатда исломни тарғиб қилиш бўлган. Бу эса осон кечмади. Чунки Қадим Мовароуннаҳр халқи оташпарастликка сиғинарди. Улар Марказий Осиё давлатларини араблар босқинчиларига фаол курашга чорлади. Бироқ Ислom лашкарлари қаршиликларни тобора енгиб бориб, ўлканинг ичкари қисмини ишғол қила бошлади. Милодий 677 йил бошқа динга эътиқодчилар шаҳарга ҳужум қилди. Самарқанд шаҳри намозгоҳида Қусамга ўқ тегди ва у Бону-Ножия қабристонидаги ғор ёнига дафн этилди. Мажмуада биноларнинг аксарияти подшоҳлар хонадонига мансуб шахсларнинг қабри устига қурилган мақбаралардир. XI аср охирида юқори майдончада дастлабки мақбаралар пайдо бўлган. Қусам ибн Аббос мақбараси шулардан биридир. Унинг ёнида ёғочга ўймакорлик услубга нақшлар солиб безатилган масжид бўлган. 1219 йил мўғуллар истилосидан кейин Афросиёбда ҳаёт сўнган. Дастлабки мақбаралар нураб аста-секин емирилган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида унинг яқин қариндошлари ва саркардалари Қусам ибн Аббос қабри атрофида ўзлари учун мақбаралар қурдиришган. Шоҳи Зинда мажмуаси ўзига хос йўлаклари ва маҳобатли бинолари билан бутун дунё туристлари ва зиёратчиларини ўзига мафтун этади.



15-расм. Шоҳи Зинда ансамбли

2. Ҳазрати Хизр масжиди. «Ҳазрати Хизр» масжиди Самарқанд шаҳрининг зиёратгоҳларидан биридир. У Самарқанддаги илк мусулмон масжиди ва меъморий обидаси сифатида эътироф этилади. Масжид Қутайба ибн Муслим томонидан қурилиб, «Ҳазрати Хизр» номи билан аталади. Маълумотларга кўра, VIII асрда оташпарастларнинг ибодатхоналари бузиб ташлангач, шу ердаги тепаликда жойлашган ибодатхона ўрнига Қутайба ибн Муслим томонидан биринчи масжид биноси қурилади. Хожа Дониёр, Қусам ибн Аббос ва Ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари аслида битта мажмуа бўлган. Масжидга кираверишдаги мармар тошда кўрсатилган «1854 йил» ёзуви унинг Бухоро амири Амир Музаффархон томонидан тикланганлигига ишорадир. 1899 йилда масжиднинг айвон ва дарвозахона қисми қайта қурилган.



16-расм. Ҳазрати Хизр масжиди

Дарвоза юзасига ёзилган «ҳижрий 1336 йил» (милодий 1916-17 йиллар) деган ёзув дарвозахона ва миноранинг қайта тикланган вақтини англатади. Фикримизни хонақоҳ меҳробидаги «ҳижрий 1274 йил» (мелодий 1854 йил), «ҳижрий 1302 йил» (мелодий 1884 йил) деган ёзувлар исботлайди. Мустақиллик йилларида «Ҳазрати Хизр» масжиди Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бевосита раҳбарлиги остида бир неча бор мукамал таъмирланди, масжид ёнида жойлашган Арзис қудуғи қайта тозаланиб, қадимий ҳолатига қайтарилди.

2016 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу мақбара ёнига дафн этилди.

2. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси мустақиллик йилларида яратилган иншоотининг энг асосий биноси уста Мирумар Асатов томонидан яратилган мараббаъ шаклида (яъни, тўртбурчак шаклдаги усти гумбазсимон) қурилган, ўлчамлари 9,0х9,0 метр бўлган тўғри тўртбурчакдан иборат мақбара. Умумий баландлиги гумбаз билан биргаликда 17,6 метрни ташкил қилади. Мақбара ташқи қисми асосан Эрон Ислом Республикасининг Исфохон шаҳридан келтирилган «Оникс» қимматбаҳо тоши билан безатилган. «Оникс» – бу ўзидан ёруғлик нурини ўтказувчи ва қуёш нурида жилоланиб турли ранглари ҳосил қилувчи ноёб, қимматбаҳо тоғ жинси ҳисобланади. Мақбара ташқи қисми турли миллий услубдаги кошинлар ва юқори гумбази чинни кошинлар билан безатилган. Ушбу кошинларда мақбаранинг барча томонида Қуръон оятлари, жумладан, унинг юқори қисмида «Мулк» сураси тўлиқ ёзилган. Мақбаранинг жанубий томонида «Юсуф» сураси 101-оят ҳамда «Ғофир» сурасининг 57-60 оятлари кошинларда миллий услубда ёзилган. Унинг ғарбида «Бақара» сурасининг сўнги 285-286 оятлари битилган. Мақбаранинг шимол томонга қараган девор қисми «Оли-Имрон» сурасининг 1,2,3,4,5,6,7-оятлари билан безатилган. Шарқий деворларида эса, «Оли-Имрон» сурасининг 189,190,191,192,193,194-оятлари нақшинкор қилиб ёзилган. Мақбара пастки қисми ҳам худди унинг устунсимон деворлар каби қимматбаҳо тоғ жинси ҳисобланган тош билан яъни, қора гранит «Габра» тоши билан безатилган. Ушбу қора гранит тоши Украина давлатидан келтирилган. Мақбара биносининг ички қисми деворлари ва унинг гумбази асосан миллий услубда безатилган бўлиб «Оят ал-курси» яъни, Бақара сурасининг 255-оят тўлалигича олтин суви (тилла суви) билан ёзилган. Мақбаранинг ўрта қисмида яъни, унинг марказида Имом Бухорий қабрига рамзий қабр тоши ўрнатилган. Ушбу рамзий қабр тоши ҳам «Оникс» дан иборат бўлиб унга қуйидаги битиклар битилган: Мақбаранинг асосий қисми яъни, Имом Бухорийнинг ҳақиқий қабри мақбаранинг ертўла қисмида бўлиб, унга пастга қараб элтувчи зинапоя орқали кирилади. Ертўлага кириш эшиги бўлиб, у ёғоч эшикдан ташкил топган, унга ёғоч ўймакорлиги билан ишлов берилган ҳамда араб имлосида қуйидаги сўзлар ёзилган: Мақбара ертўласи 4х4 метрдан иборат, унинг марказида Имом Бухорийнинг қабри ва қабр тошидан иборат. Қабр тоши Ғазфон мраммарида (Навоий вилояти Нурота туманидаги кон) иборат бўлиб, унда Имом Бухорий ҳаётига бағишланган матн битилган.



17-расм. Имом ал-Бухорий мақбараси

4. Имом ал-Мотуридий мақбараси. Калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ равнақиға улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги ўрни бекиёсдир. У Ислом оламида «Имом ул-ҳуда» ва «Имом ул-мутакаллимин» (Ҳақ йўлида ҳидоятга бошловчи имом, Калом олимларининг имоми) деган шарафли номлар билан машҳур бўлган. Манбаларнинг далолат беришича, Мотуридий фикҳ ва калом илмига ёшлигидан қизиқиб, Имоми Аъзам мазҳаби олимларидан таҳсил олган. Кўплаб машҳур фақиҳ ва муҳаддислар билан мулоқотда бўлган, бутун умри давомида шу соҳага оид кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. «Китоб тавҳид», «Китоб мақомат», «Китоб таъвилот ал-Қуръон» асарлари шулар жумласидандир. Ислом дини равнақиға муносиб ҳисса қўшган, эътиқод ва калом илмларининг асосчиларидан бири сифатида юртимиз довуғини дунёга таратган шайх Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий хотирасини тиклаш мақсадида ҳукуматимизнинг қарорига биноан 2000 йили буюк алломанинг 1130 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан у зот дафн этилган жойни аниқлашга қарор қилинди.

Ишончли манбаларга таянган ҳолда, шайх ҳазратнинг қабри Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристони эканлиги аниқланди ва бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Уламолар кенгашининг фатвоси эълон қилинди.

1999 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан кейин 2000 йили Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристони ўрнида буюк алломанинг улуғвор мақбараси ва обод зиёратгоҳи бунёд этилди.



18-расм. Имом ал-Мотуридий мақбараси

4. Бибихоним мақбараси. Самарқанднинг кўҳна қисмида, Амир Темур жомеъ масжидининг кунчиқар томонида, бундан олти асрлар илгари барпо қилинган яна бир меъморий обида мавжуд. Бу обида ичида Амир Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхоним – Бибихонимнинг қабри жойлашган. Бибихоним мақбараси қурилган даврда жуда ҳашаматли ва маҳобатли бўлган, унинг деворлари ранг-баранг кошинлар, нақшлар ҳамда Қуръондан келтирилган оятлар битилган ёзувлар билан безатилган. Мақбаранинг ички тузилиши, худди Амир Темур мақбарасидек икки қаватли, пастда сағана, тепада эса зиёратхона бўлган. Мақбаранинг гумбази йиқилганидан сўнг унинг ичига қор-ёмғирлар тушиб, сағананинг томи ҳам қулаб тушган.

Ушбу мақбарага дафн этилганлар мармартошлардан йўнилган тоштобутларга кўмилган. Тоштобутлар дастлаб мақбаранинг пастига, яъни, сағанага қўйилган, сағананинг томи йиқилиб тушганидан сўнг тоштобутлар токчалар ичига жойлаштирилган. Шимолий токчага тобутнинг узунлиги 1 м 90 см, эни 47-66 см, баландлиги 37 см, бўлиб у ҳам яхлит, кулранг мармартошдан ясалган. Шарқий токчадаги учта тоштобутнинг иккаласи бўм-бўш бўлиб, фақат биттасининг ичида жасад сақланган. Бу тобутдаги жасад ҳам титиб ташланган. Жасад дафн қилинишидан олдин мумиёланган, жасаднинг ёнидан бир неча тақинчок, райхон барглари ва кафаннинг қолдиқлари топилган.



19-расм. Бибихоним мақбараси

6. Амир Темур мақбараси. Амир Темур мақбараси Марказий Осиё меъморчилигининг ноёб асари сифатида эътироф этилган. Мақбара қурилиши буюк Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1404 йилда бошланиб, Мирзо Улуғбек даврида тугалланган. Мақбара Самарқанднинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, XIV аср охирида Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Султон томонидан қурилган мадраса ёнида тикланган. Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиёга бўлган ҳарбий юриш вақтида тўсатдан касалликдан вафот этган. Шаҳзоданинг жасади Самарқандга олиб келиниб, ансамблнинг жануб томондаги айвон орқасидаги даҳмага дафн этилади. Сўнг Амир Темур шаҳзодага атаб мақбара қуриш ҳақида фармон беради. Шундан кейин даҳма устига саккизёқли бино қурилади. Амир Темур вафотидан кейин Шохруҳ Мирзо Ҳиротни пойтахт қилиб, ўғли Мирзо Улуғбекни эса Самарқандга ҳоким этиб тайинлайди. Мирзо Улуғбек буюк бобосига ҳурмат юзасидан ушбу саккиз қирралик мақбарани темурийлар авлоди дафн қилинадиган мақбарага айлантиради. Мақбара битгач, Амир Темурнинг маънавий устози Мирсайид Бараканинг жасади шу мақбарага кўчирилади ва Соҳибқироннинг бош томонига дафн этилади. Баъзи ривоятларга кўра, Амир Темур пирининг оёқ томонига дафн қилинишини васият қилган. Мақбарага Мироншоҳ Мирзо, Шохруҳ Мирзо, Шайх Саййид Умар, Мирзо Улуғбек ва Улуғбекнинг гўдаклигида вафот этган икки фарзанди – Абдулла ва Абдурахмонлар ҳам дафн қилинган. Улуғбек томонидан бинонинг ичи янгидан безатилди, мақбара саҳнига дахмалар қўйилиб, атрофига нафис мармар тошдан

панжара қилинди. Мақбарага 1424 йилдан бошлаб шарқ томонга тақаб қурилган кўп гумбазли галерея орқали кирилади.

Мақбаранинг ғарб ва жануб томонлари ёндош қилиб қурила бошлаган, лекин битмай қолган улкан иморатларнинг тикланиши Мирзо Улуғбек ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келади. Муҳаммад Султон мажмуасидан фақат пештоқигина сақланган. Бу пештоқ моҳирлик билан ишланган бўлиб, кошинлар билан девор фонида яққол кўриниб туради. Кошинлар орасига бинони қурган уста – Муҳаммад бинни Маҳмуд Исфажонийнинг номи ва «Дини жаннат дили покларникидир», деб жимжимадор қилиб ҳадис ёзиб қўйилган. Деворлар беағида гириҳ деб аталувчи геометрик шаклларга асосланиб, нафис қилиб ишланган композиция асосий ўринни эгаллайди. Гумбазда жез, ложувард ва тилла сувлари ишлатилган.



20-расм. Амир Темур мақбараси

Россия империяси истилоси йилларида мақбара дарвозалари ўғирлаб кетилган. Соҳибқирон Амир Темур мақбарасининг дарвозаларидан бири Лондонда, яна бири Эрмитажда сақланмоқда. Соҳибқирон Амир Темурга тегишли бўлган узук эса Америкадаги «Метрополитен» (Нью-Йорк) музейида сақланмоқда. Ҳовлининг шарқ томонидаги девор ортида Муҳаммад Султон мадрасасининг қолдиқлари кўриниб туради. Чорсу ҳовлисининг атрофига икки қаватли хужралар қурилган. Мадрасанинг бурчакларида гумбазли дарсхоналар бўлган. Мақбара деворларига зангори, ҳаво ранг ва оқ сирли кошинлар қопланган, бу кошинлар геометрик шаклда теришиб, арабча хат битилган. Гумбаз остки қисмининг айланаси диаметри 15 м айлана баландлиги 12,5 м. Мақбара ҳилхонасидан гумбаз учигача 36 метрни ташкил этади. Гумбазда ҳаво ранг кўпроқ ишлатилгани учун бу ранг гумбазнинг эгри чизиқли қобирғаларида товланиб, қуёшда ярақлаб, гуё осмонга қадалиб туради. Гумбазнинг усти сирли

кошинлар билан қопланган. Муқарнасларида ҳам шундай кошинлардан ҳажми бир-бирига мос қилиб ишланган чиройли нақшлар бор. Ҳовли атрофини ўраб турган деворлар икки қаватли безакли равоқларга бўлинган. Ҳовлининг ташқи бурчакларида тўртта минора бўлган. Юқорига кўтарилган сари ингичкалашиб борган минора шарафа билан безатилган. Кошинларнинг ҳар бир қаторига бир хил микдорда кошин плиталар терилган. Улар орасидаги чоклар юқорига кўтарилган сари торайиб боради ва тепасига етиб туташади. Мирзо Улуғбек даврида мақбарага кириш учун қурилган эшикнинг ёни ва тепалари нафис безатилган. Илгари эшик тепасида: «Бу шавкатли Амир Темурнинг қабри ...» деб ёзилган кошинли лавҳа бўлган. Бу плита ҳозир Санкт-Петербургдаги Давлат эрмидажида сақланади. Мақбара ғоятда нафис безатилган. Деворнинг пастки қисмида кўкимтир шаффоф оникс тошидан ишланган изора бор. Оникснинг чоклари кўкимтир тошлар билан териб безатилган. Мақбарага рангдор ойналар солинган панжарали дарчадан ёруғлик тушади. Мақбаранинг ўртасига жойлашган сағаналар устида темурийларга бағишланган ёзувли тошлар бор. Амир Темур қабри устига тўқ яшил рангли нефрит тош қўйилган. 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро хонлигини забт этганда Амир Темур қабри устидаги тошни Машҳадга олиб кетган ва кўп ўтмай яна қайтадан жойига келтириб қўйдирган. Мақбаранинг шарқ томонидаги равоқда пастга тушадиган зина бор. Бу зинадан мақбаранинг остки қаватидаги даҳмага тушилади. Остки қаватдаги бинонинг шипи ўн икки қиррали гумбаз қилиб қия ишланган, ички безаклари жуда содда. Темурийларга қўйилган сағаналар юқори қаватда қандай тартибда бўлса, бу ерда ҳам шу тартибда жойлаштирилган. Ҳар қайси қабр усти мрамартош билан қопланган. 1994-1996 йилларда мақбарада катта ҳажмдаги таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди.

7. Руҳобод мақбараси. Руҳобод мажозий ном, аслида аллома авлиё шайх Бурҳониддин Соғаржий мақбараси. Амир Темур салтанатининг дастлабки даврида шаҳар Арки (Кўк сарой, Бўстон сарой, Нуриддин Басир мақбараси) томонидан жанубдаги Тошқўрғон – чақар (Кичик оқсарой, Муҳаммад Султон меъморий мажмуи, ҳозирги Амир Темур мақбараси) орасини боғловчи машхур Шохроҳшоҳ кўчани очиш ва тартибга солиш давомида юзага чиққан Соғаржий қабрига боғлаб, маҳобатли баланд мақбара тикланган. Амир Темур мақбараси таъминоти учун махсус вақфнома (куйиб кетган вақфнома қолдиқлари таржимаси Ўзбекистон давлат архивида сақланмоқда) чиқарган. Ундан маълум бўлишича, мақбара ва ёнидаги боғ йирик даромад манбаи бўлган.

Мақбара биноси ҳозирги шаҳар маркази томонидан кўзга ташланади, галдаги реконструкция давомида мақбара атрофидаги кейинги давр бинолари бузиб ташланиши натижасида мақбара қадди-қомати яққол кўринади. Мақбара чорсихона, устидаги 8 қиррали пойгумбаз ва оддий гумбаздан иборат. Ичкарида номаълум қабр даҳмалар бор. Ташқи томондан (жануб) авлиё қабрига туташ девор сиркори сопол билан пештоқ шаклида хошияланган. Ичкарида нақшин безак қолдиқлари сақланган. Кириш эшигининг ўймакор безаклари орасида балиқлар шаклини кузатиш мумкин. Аҳоли мазкур авлиёга алоҳида ихлос ва эҳтиром билдириб, мақбара ва у билан боғлиқ масканни Руҳобод деб атаганлар.



21-расм. Руҳобод мақбараси

Шўролар даврида мазкур маскан диний зиёратгоҳ сифатида эътибордан четда қолиб, ташландиқ ҳолга келган эди. Хужралар қисман бузиб ташланган, гузар масжидида корхона жойлашган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида макбара атрофида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилди.

8. Ҳазрати Дониёр зиёратгоҳи. Ҳазрати Дониёр (Донил) - тарихий шахс. Бани Исроил (Яхудий) миллатига мансуб пайғамбарлардан биридир. Тарихий манбаларда ва шахси билан боғлиқ қайдларда Самарқанддаги қабри тилга олинади. Самарқанддаги Хожа Дониёрга нисбат бериладиган қабр Сиёб ариғининг ёқасида, Тошкент - Самарқанд шоҳйўлидан ўнгга жойлашган. Қабрнинг узунлиги 18 метр. Ёпиқ бино ичида жойлашган. Қабр қияликда жойлашган. Қуйисида шифобахш Авлиё Дониёр булоғи бор. Дардманлар шу сувдан истеъмол қилиб, шифо топадилар. Ҳазрати Дониёр ва у зотнинг қабри билан боғлиқ ривоятлар халқ тилида сақланиб қолган. Айтишларича, Соҳибқирон Амир Темур Эрон заминига қилган юришларида кўп жойни осонлик билан ўзига бўйсундиради. Навбат Мосул («Самария»да Мўсил)га келганида кўп машаққат чекишга тўғри келади. Бунинг сабаби Амир Темурни қизиқтирганида, унга «Бу ерда Ҳазрати Пайғамбар Дониёлнинг қабри бор. Унинг руҳий мадади бу элни ҳимоя қилади», дейишади. Шу ҳикоя сабабидан Соҳибқиронда у зотга катта ихлос уйғониб, бировларнинг нақли бўйича жасадини, баъзиларнинг айтишича, тупроғини юклаб Самарқандга жўнаттиради ва туя қаерга чўкса, ўша жой қабри бўлишини айтади. Туя Сиёб ариғи ёнига чўкади ва қабри шу ерда бўлади. Нажмиддин Умарнинг «Қандия»

асаридаги талқин воқеликларни Амир Темур давридан олисларга бошлаб кетади: «Хожа Абду Дарун (VIII аср) дегандилар, пайғамбарлардан бирлари Жайхун (Амударё) дарёсини кечиб Самарқандга келиб қолганлар. Халқни динга даъват қилиб, шу ерда вафот этган. Ул пайғамбарнинг номлари Дониёр (алайҳиссалом)дир. Ва мен касбу ҳолимни Дониёр (а.с.)нинг руҳи пурфутуҳларидан олганман. Ҳар ким муроиди бўлса, жума кунлари Ҳазрати Дониёр (а.с.)нинг файзли мазорларини зиёрат қилса, Худойи таолодан не талаби бўлса, вожиб бўлғай». Юқоридаги баёнларга қўшимча тариқасида «Самария»дан иқтибос келтиришни ҳам лозим топдик: «...дерларким, у (Дониёр) Аббос ўғли Ҳазрати Қусамнинг (Шоҳизинда), Тангри ундан рози бўлсин, ёронларидан эди ва шу ерда кўмилгандир». Шу нарсани айтиб ўтмоқ зарурки, бу қабрни уч дин вакиллари - яҳудийлар, христианлар ва мусулмонлар азизлаб, муқаддас билиб зиёрат этадилар.



22-расм. Ҳазрати Дониёр мақбараси

9. Хўжа Ахрори Валий мажмуаси – Самарқанд туманидаги Улуғбек қишлоғи ҳудудида жойлашган, XV-XX асрларга тегишли меъморий ёдгорлик. Хўжа Ахрори Валий қабри яқинида турли даврларда бунёд этилган Нодир Девонбеги мадрасаси, икки айвон, масжид, минора ҳамда ҳовуз мавжуд. Мажмуанинг маркази 8 ёқли ҳовуз, унинг жанубида Хўжа Ахрори Валийнинг оқ мармарли қабртоши бор, қабртошига араб ёзувида хуснихат билан марсия ёзилган. Шимолида Нодир Девонбеги мадрасаси, тўртбурчак ҳовлининг атрофида ҳужралар жойлашган; ҳовлининг ғарбида айвон бор, безаклари XVII асрга тегишли, мармар курсили устунларнинг тепа қисми мукарнасли, шифти 3 қисмга бўлиниб, юлдузсимон шаклдаги ҳовузақлар ишланган.

Иккинчи мурабба тархли айвоннинг шарқий томони очиқ, қолган уч томони қалин девор билан ўралган, деворларига чуқур равоқлар ишланган; ён томонидан масжидга кирилади. Масжид синчли бино бўлиб, тўғри тўртбурчак тархли, ёғоч устун тўсинли, шифти вассали, нафис нақшлар билан серҳашам

безатилган. Масжид изорасига кошинкори нақшлар ишланган, меҳроб ва равоқлари мукарнаслар билан тўлдирилган, юқоридаги ҳошия қаторлар кирма усулида бажарилган.



23-расм. Хўжа Аҳори Валий мажмуаси

Хужралар ҳовлининг шимолида жойлашган, содда, безаксиз. Ҳовуз ёнида таги 6 қиррали минора қад кўтарган. Таъмирлаш вақтида томи тунука билан ёпилган. Таъмирлашда уста Саъдулла (1909 йил), ганчкор уста Т.Исмоилов (1921 йил), дурадгор уста Ҳафиз ва бошқалар қатнашган.

10. Хўжа Абду Берун зиёратгоҳи. Хўжа Абду Берун Халифа Усмон (р.а.) авлодидан, арабларнинг «Абду» қабиласига мансуб бу зот Самарқандга Халифа Усмон (р.а.) ибн Саййид ва Қусам ибн Аббос (р.а.) билан бирга келган. Улар самарқандликларни Ислом аҳкомларига йўллаганлар. Усмон ибн Аффон (644 – 656 йилларда халифалик қилган) Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизлари Руқия ва Умма Кулсумни ўз никоҳларига олади. Шунинг учун Усмон ибн Аффон «Зуннурайн» икки нур соҳиби лақаби билан шарафланган. Усмон ибн Аффон ва Руқиялар бир ўғил ва бир қиз кўришади. Улар қизларини Қурайш қабиласидан бўлган Хўжа Муҳаммад Пай Бараҳна деган йигитга никоҳлаб беради. Улардан Хожа Абду Берун дунёга келади. Халифалик Хўжа Абду Берунни Самарқандга қози этиб тайинлайди.

Самарқанддаги Хўжа Абду Дарун эса Хўжа Абду Беруннинг ўғилларидир. Айтишларича, Искандар Зулқарнайн барпо этган қалъа – «Девори қиёмат»дан ташқарида қабр бўлгани учун Хўжа Абду Берун деб юритилади. Хўжа Абду Берун қабри Қавчинон маҳалласидадир. XVII асрда Бухоро хонлиги бош вазири Нодир Девонбеги Хўжа Абду Берун қабри устига хонақоҳ ва бир неча хужралар солдирган.



24-расм. Хўжа Абду Берун зиёратгоҳи

11. Хожа Абдударун хонақоҳи Самарқанд қалъа деворининг жанубида жойлашган. XVI аср тарихий ёдгорлиги. Кўхна қабр ёнига тоқу равоқли хонақоҳ-масжид, ўртасига жамоатхона, атроф бурчакларига хужра ва зиналар қурилган. Қўшқават сиркор гумбаз, пойгумбаз ва деворлар сиркор ғиштлар ва кошинкор нақшлар билан безатилган. Жамоатхонанинг уч томонидан эшиклар очилган. Меҳроб оддий, хонақоҳ эса хушбичим, содда ва файзли зиёратгоҳ. Унинг ёнбошида авлиё мозори бор. Катта ҳовли саҳнида супа, ҳовуз ва дарвозахона кўзга ташланади. Самарқанд қалъа деворининг шарқий томонида (дорун – ичкари) жойлашган қадимги зиёратгоҳ. IX асрда яшаган аллома Абд Маъзиддин қабри атрофида турли бинолар пайдо бўлиб, меъморий зиёратгоҳга айланган. Марказида энг йирик бино – хонақоҳ (XV аср) бор. Унинг пештоқи, гумбази ва девори безаклари Улуғбек даври меъморчилиги маҳсули эканлигидан дарак беради. Зиёратхона – жамоатхона масжид вазифасини ўтаган. Хонақоҳнинг ичида авлиёнинг мақбараси бор. Таъмирлаш натижасида мақбара биносининг дастлабки қиёфаси ўзгариб кетган. Ҳовли ўртасидаги сарҳовуз чашмабулоқ устида бўлгани учун ҳам унинг суви қишин-ёзин бир хилда сақланган, аҳоли орасида шифобахш ҳисобланган. Ҳовли атрофидаги хужралар ва ғарб томондаги жомеъ масжид XIX асрга оид. Масжид безаклари орасида усталар номи битилган. Хўжа Абдударун падари бузрукворининг номи Хўжа Абдуқодир ас-Саид (Хўжа Абдуберун) бўлиб, ул зот ҳазрати Усмон (р.а.)нинг куёви эди. Ул киши Ҳазрат Усмон ёрлиғи билан Самарқандда ҳукм сурди ва Ҳазрати Усмоннинг Мусхафи Қуръонини Самарқандга келтирди. Хожа Абдударунни Хожан Кунж деб ҳам атардилар, шу сабабданки, ул киши ўтирган ердан ҳамиша ганжу олтин чиқар эди. Хожа Абдударун Самарқанд

вилоятида вафот этган ва неча вақтларгача у кишининг қабридан «Фотиҳа» сурасини ўқиган овозлар келар эди.



25-расм. Хожа Абдударун мажмуаси

Ҳазрати Хўжа алайҳирраҳма 247 ҳижрий йилининг зулқаъда ойида (милодий 861 йил майида) вафот этади. Ҳазрати шайх Абу Мансур Мотуридий айтган эканларки, бизнинг вафотимиздан кейин Ҳазрати Хожа Абдудоруннинг ёнига дафн этингки, ул киши ярим фарсах ергача атрофдагиларни ўз ҳимояларига олиб шафоат қилур ва биз ул кишининг шафоатларидан маҳрум бўлиб қолмайлик. Хожа Яҳё ибн Шайх Абулқосим Нишопурий, Хожа Зикриё, Шайх Абул Ҳасан Басрий, Шайх Абдулло Ансорий, Шайх Абу Лайс Самарқандий каби жами Самарқанд авлиёлари ўзларининг касбу ҳолларини ҳазрати Хожа Абдудоруннинг руҳи пурфутухларидан олгандурлар («Қандия» китобидан).

12. Махдуми Аъзам зиёратгоҳи. Самарқанднинг шимоли-ғарб тарафида, Окдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган Даҳбед қишлоғида XVI асрда яшаб, ижод этган аллома Махдуми Аъзам қабри бор. Мазкур қабр атрофида барпо этилган зиёратгоҳнинг жанубида масжид, шарқий томонида дарвозахона, чиллахона, хужралар жойлашган. Масжид ёнида ғиштин иморат ва ҳовуз мавжуд. Самарқанд ҳукмдори бўлган Ялангтўш Баҳодир ва унинг яқинларининг даҳмалари ҳам шу манзилда жойлашган. Мовароуннаҳрлик буюк диний арбоб, нақшбандия тариқатининг раҳнамоси ва назариётчиларидан бири Махдуми Аъзамнинг тўлиқ исми – Саид Аҳмад Хожагий ибн Саид Жалолиддин Косоний Даҳбедийдир. У Фарғона водийсининг Косон шаҳрида таваллуд топган.

Махдуми Аъзам илк таълимни Косон мактабларидан бирида олиб, сўнг Аҳсикатда Хожа Муборак мадрасасида ўқишни давом эттирган. Мадрасани битирган Аҳмад Косоний Шайх Мирсаид Алига шогирд тушган. 1491–1492 йилларда устози билан Ҳиротга сафар қилиб, у ерда таниқли аллома ва шоир

Абдурахмон Жомий билан учрашган. Махдуми Аъзамнинг тасаввуф таълимотига оид фикрлари нақшбандия назариясига асосланган.



26-расм. Махдуми Аъзам зиёратгоҳи

Аллома фикрича, нақшбандия тариқати уч зарурий қоидага бўлинган: ихвон (биродарлик), макон (ўрин-мавқеъ), замон. Унинг илмий мероси бой бўлиб, у нақшбандия тариқатини янада ривожлантиришга баракали ҳисса қўшган. Буюк пирнинг қаламига мансуб адабий, тарихий, фалсафий, диний ва маънавий мавзуларга бағишланган 30дан ортиқ рисоалар ҳозирда ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

13. Мурод Авлиё зиёратгоҳи жомеъ масжид ва қабристонида жойлашган ҳарам ичидаги ибн Саййид Муртазо ҳазратларига мансубдир. У кишининг вафотлари ҳижрий қамарий йилининг 927 йил рамазон ойининг якшанбасида, яъни милодий 1548 йилнинг август ойига тўғри келади. Айрим манбаларда у зот Хўжа Ахрори Валийнинг издошлари сифатида тилга олинади. Фахра Содот Саййид Мусохўжа ибн Саййид Муртазо шарияти ислом тарихини унинг ақидаларини чуқур билган, уни кишилар орасида тарғиб эта олган шахс. Ушбу қадамжо ва қабристон ўша замондан буён мўмин – мусулмонлар учун зиёратгоҳ сифатида танилган. Айниқса, ҳар чоршанба куни бу ерга кўплаб зиёратчилар ташриф буюришади.

Нафақат Самарқанд аҳли, балки қўшни вилоят, ҳатто Озарбайжон, Туркменистон, Қирғизистондан ҳам кишилар зиёратга келишади. Зиёратчиларнинг қилган илтижо ва тиловатлари рўёбга чиқиб, муродлари ҳосил бўлганлиги сабабли бўлса керак, бу даргоҳни «Муродавлиё» деб номлаганлар. Шўролар даврида бу жой пинҳон ва маҳвий зиёрат қилинган.



27-расм. Мурод Авлиё зиёратгоҳи

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, истиқлол шарофати, дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги фармонлар туфайли халқимиз ҳаётида муқаддас қадамжолар қайтадан тикланди. Мурод Авлиё жомеъ масжиди 1992 йилда қайта қурилиб, ишга туширилди.

14. Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи. Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи Самарқанд вилояти Нуробод туманининг Оқсой қишлоғи Зарафшон тоғ тизмасига қириқ Оқтоғ тоғининг юқори қисмида жойлашган. Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ва тоғ тепасидаги ғор ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ асосан темирчилик билан боғлиқ касб эгалари учун зиёрат масканига айланди.

Ушбу масканнинг Довуд алайҳиссалом ҳаёти-фаолияти билан боғлиқлиги ҳақидаги тарихий-илмий маълумотлар мавжуд эмас. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Довуд алайҳиссалом бу ерга келмаган. Хушманзара табиат, тоғ тепасидаги ғор ва гўёки «Довуд Пайғамбарнинг ушбу ғордаги излари» бу манзилни темирчилар сиғинадиган зиёратгоҳ сифатида илоҳийлашишига сабаб бўлган кўринади. Ҳазрати Довуд (Довуд алайҳиссалом) ҳақида XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида яшаб ўтган тарихчи Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарида батафсил маълумотлар берилган. Унда «Довуд (пайғамбар) бани Исроилдан эрди. Ўн қариндош эрдилар, оталари Ишў отлиғ. Довуд барчасидин кичиги эрди», дейилади. Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Довуд алайҳиссаломни Қуръони Каримда ўн олти марта зикр қилган. У зот ҳақида Бақара, Нисо, Моида, Анъом, Исро, Анбиё, Намл, Саба ва Сод сураларида ояти карималар бор. У зотнинг насаблари Довуд ибн Ийшаа ибн Увайд бўлиб, Яхузо ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим бўлиб тугайди. Пайғамбарларнинг насл-насабларини ўрганувчи тарихчи олимларнинг барчалари Довуд алайҳиссаломни Яхузо ибн Яъқуб авлодидан эканлари ҳақида илмий маълумотлар берганлар. Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга яна бир қанча фазилатларни берган эди. Бу ҳақида Қуръони Каримнинг Сод сурасида

«Албатта, биз унга тоғларни бўйсундирдик. Улар у билан кечки пайту эрталаб тасбеҳ айтардилар», деб қайд қилинади. Шунингдек, Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга қушларни ҳам бўйсундириб қўйган эди. Улар ҳам у зотга қўшилиб, аллоҳ таолога эртаю кеч тасбеҳ айтардилар. Довуд алайҳиссалом пайғамбар бўлишлари билан бирга, Бани Исроил давлатининг подшоҳи ҳам эди. Айтишларича Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга темирни хамирдек юмшоқ қилиб берган эди. У зот темирни оловга солиб тобламасдан ҳам, болға билан урмасдан ҳам, нимани хоҳласалар, қўллари билан шуни ясай олар эдилар, дейилади китобда. Довуд пайғамбарга темирчиларнинг пири ва тоғларни бўйсундирувчи сифатида ихлос қилинади. Тоғ тепасидаги ғор бу ерга ташриф буюрадиган одамлар, айниқса, темирчилик ва техника билан боғлиқ касб эгалари наздида эзгу ният билан зиёрат қилинадиган муқаддас маскандир.

Ҳазрати Довуд зиёратгоҳининг тарихи ҳамда бугунги ҳолати Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти, Самарқанд давлат университетининг олимлари, вилоят имом-хатиблиги ходимлари ҳисобидан шакллантирилган ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, ушбу манзилнинг Довуд Алайҳиссаломга ҳеч қандай боғлиқ эмаслиги, бу ҳақда на тарихий, на илмий фактлар аниқланмаганлиги қайд этилган. Ушбу манзилдан аҳоли ёз ойларида дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган маскан сифатида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида яқдил хулоса берилган.



28-расм. Ҳазрати Довуд зиёратгоҳидаги ғор

Ўтган вақт давомида ушбу масканда бир қатор ободончилик ишлари амалга оширилди. Хусусан, 2015 йилнинг сентябр ойидан бошлаб эса вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бу ердаги барча эски бино-иншоотлар бузилиб, уларнинг ўрнига аҳоли дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун тадбиркорлар томонидан замонавий меъморчилик кўринишидаги 25 та айвон, 1 та нонвойхона, 22 та дўкон, 2 та маиший хизмат кўрсатиш нукталари қурилди.

Тоғ тепасидаги ғорга кўтариладиган зиналар замонавий ҳамда қулай тарзда қайтадан қурилди, ҳар 100 та зинадан кейин ўнг ва чап томонларда зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида салқин ичимликлар дўконлари қад кўтарилди, айвонлар тагига замонавий ўриндиқлар ўрнатилди. Ҳудуднинг озодалигини сақлаш мақсадида бетон йўлак ва доимий равишда булоқ суви оқиб турадиган бетон канал фойдаланишга топширилди. 700 метр узунликда канализация қувурлари ётқизишиб 200 метр куб ҳажмдаги чиқинди иншооти қурилди. Зиёратгоҳ ҳудудига 600 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

15. Ислом Каримов мақбараси. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу борада изчил ишлар амалга оширилди ва Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Мақбара гранит ва мрамор тошлар билан қопланган бўлиб, нақшлар билан безатилган ва Қуръон оятлари битилган. Зиёратчилар учун айвон, кексалар учун лифтлар бунёд этилган. Ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ишлари ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлиб, бутун жаҳон маданий меросининг объектларидан бири ҳисобланган Ҳазрати Хизр масжидига уйғун ҳолда барпо қилинган. Мажмуа қурилишига турли ҳудудлардан маҳоратли қурувчилар, уста ва ҳунармандлар жалб этилган. Мақбара учун хориждан қимматбаҳо тошлар, айвон устунлари ва зина панжаралари, ёзувли оқ оникс ва оникс тошлари келтирилган. Мақбара ичида оқ қабр тоши ўрнатилган. Деворлар қимматбаҳо тошлар билан безатилиб, уларга олтин суви билан ишлов берилган. Мақбаранинг пастки қисми яшил оникс тошлар билан қопланган.



29-расм. Ислом Каримов мақбараси

2.4. Табиий-рекреацион ресурслар

*Самарқанд – тўлин ой, дарёси – само қасрининг наҳри,
далалари – юлдузли осмон¹⁴.*

Маҳмуд ибн Вали

Туризм соҳасини ташкил этиш, туристик маршрутлар, экскурсиялар уюштириш, аввало, қулай табиий шароит мавжудлиги билан боғлиқ. Ўзига хос рельеф, иқлим ва турли-туман экзотик ландшафт манзараларининг мавжудлиги туризмни ташкил этишга асос бўлади. Самарқанд вилоятининг табиий шароити, ер усти тузилиши, яъни унинг жануб ва шимол ҳамда шимолий-шарқий тоғликлардан иборатлиги рекреация ресурсларининг ривожланишига сабаб бўлган. Унинг текислик қисмида дарё соҳиллари, дашт ва чўлларнинг мавжудлиги ҳам туризм соҳасида ўзига хос мазмун касб этади. Вилоятнинг асосий йирик Зарафшон дарёси минтақа аҳолисини, ҳамда барча халқ хўжалиги тармоқларини сув билан таъминлайди. Дарёдан шифобахш булоқ, чашма сувлари ва балчиклардан аҳолининг саломатлигини тиклаш, соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бу эса рекреация туризмни ривожлантиришга имконият яратади. Гидрологик ресурс турлари асосан Ургут, Нуробод, Қўшрабод туманлари ҳудудида жойлашган. Масалан, шифобахш булоқлар (Қайнарбулоқ, Роҳатбулоқ) ажойиб кўллар (Музбулоқ, Алвасти кўллари), гўзал шаршаралар (Ғуссой, Комангарон) шулар жумласидандир.

Вилоятнинг Ургут туманида жойлашган Чақилкалон тоғлари гидрогеолик ёдгорликларга бой ҳисобланади. Бу ерда шифобахш булоқлар, шаршаралар, ғор сувлари мавжуд. Ургут шаҳрида Юқори Чинор тагидаги булоқ ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Унинг атрофида минг йиллик чинорлар жойлашган бўлиб, туристик қизиқишни орттиради. Бундан ташқари Килси ва Лев ғорларидаги карст булоқ сувлари, Қайнар булоқ, Роҳат булоқ, Музбулоқ ва Алвасти кўллари, Ғус-Сой, Комангарон сойларидаги шаршараларни туризм нуқтаи назаридан ўрганиш, маршрутлар яратиш катта аҳамиятга эга. Яна Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги қадимий Равотхўжа сув айирғичи, Дарғом канали, Эски Туятортар каналларидан ҳам туризм мақсадида фойдаланиш мумкин.

Вилоятда ер ости саёҳатини ривожлантиришга асос бўлувчи ғорлар ҳам мавжуд. Минтақанинг Зарафшон, Нурота тоғ тизмаларида кўплаб ғорлар мавжуд. Чақилкалон тоғларида машҳур - Лев ва Килси ғорлари мавжуд. Лев ғори Омонқўтоннинг Булбулзор сойида жойлашган бўлиб, бу ғорда бундан 40-50 минг йил аввал тош асрида одамлар яшаган. Килси шахта ғори Киевлик олимлар томонидан 1980 йилда топилган. Бу ғорнинг чуқурлиги 800 метрдан ошади. У вертикал чуқурлиги бўйича дунёда 3-ўринда туради.

Самарқанд вилояти ўзининг гўзал табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан ҳам мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан алоҳида ажралиб туради.

¹⁴ Бўлатова В. А., Шишкина Г. В., Самарқанд очик осмон остидаги музей, – Т.: 1986. 19 бет

Вилоятимизга ташриф буюрадиган сайёҳларни қизиқтирадиган тарихий архитектура-қурилиш иншоотлари, қадимий обидалардан ташқари, минг йиллик тарихга эга бўлган чинорлар ва бошқа ўсимлик ва ҳайвонлар беқиёс кўпдир.

Вилоятнинг бир қатор туманларида ва қишлоқларида минг йиллик даврга тенг қадимий ноёб дарахтлар (арчалар, чинорлар) ҳанузгача сақланиб қолган. Улар қаторига Ургут шаҳридаги юқори Чор Чинор (1020 йиллик), Каттакўрғон тумани Қорадарё қишлоғидаги чинор (565 йиллик), Нуробод тумани Тим қишлоғидаги арча (1000 йиллик), Жомбой тумани Холвойи қишлоғидаги минг йиллик арчаларни мисол келтириш мумкин. Айниқса, Жомбой туманида жойлашган Зарафшон дарёси қайирида жойлашган Зарафшон кўриқхонаси бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради, бу эса мавсумий ҳамда қисқа муддатли сайёҳликни ташкил қилиш учун қулай имкониятлар яратади.

Вилоятнинг маркази Самарқанд шаҳри ва унинг атрофини республиканинг бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ, қадимдан кўркам боғу роғлар ташкил қилингани, улар сайёҳларни ҳайратга солиб, лол қолдиргани тарихий манбалардан маълумдир. Шаҳар атрофидаги Амир Темур боғлари эса бутун дунёга машҳурлиги билан тавсифланади. Ҳозирги пайтда шаҳар ҳудудида, университет хиёбони ҳамда шаҳарнинг эски қисмидаги маҳаллаларда, чойхоналар ҳудудида юзлаб турли хил қадимий чинорлар, қайрағочлар ва тут дарахтлари кабилар ўсимлик дунёсига қизиқувчи сайёҳларни жалб этиб келмоқда.

Вилоятимиз ҳайвонот олами ҳам хилма-хил бўлиб, тоғ, тоғолди ҳудудларида судралиб юрувчи ҳайвонлар, турли қушлар, туёқли ҳайвонлар оиласининг вакиллари кенг тарқалган. Улар, айниқса, шу жойлар ландшафтига ўзгача тароват ва ҳусн бағишлаб, сайёҳларнинг мароқли дам олиш ҳамда ов туризмни йўлга қўйишнинг имконини беради.

Вилоятнинг чала чўл ва чўл ҳудудлари ҳам ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эга. Мазкур ҳудудларда экотуризмни ташкил этиш мақсадида янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

2.5. Самарқанд туризм соҳасининг ривожланишида музейларнинг тутган ўрни

Самарқанд шаҳрига келган туристлар нафақат қадимий ёдгорликларга, балки музейларга, боғларга ва бошқа кўнгилочар объектларга боришни хоҳлашади. Вилоятда бир қанча музейлар мавжуд бўлиб, улар, албатта, туристик қизиқиш объектлари ҳисобланади. Масалан, Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи, Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи, Самарқанд шаҳар (Афросиёб) тарихи музейи, Садриддин Айний ёдгорлик уйи музейи, Каттакўрғон шаҳар тарих-ўлкашунослик музейи, Пахтачи туман тарих музейи ва бошқалар киради.

Самарқанд бадиий музей-кўриқхонаси. Самарқанд давлат бирлашган тарихий- меъморий ва бадиий музей-кўриқхонаси 1982 йили Ўзбекистон

маданияти ва санъати тарихи музейи ва унинг бўлимлари, шунингдек Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги меъморий ёдгорликлар негизида ташкил қилинган. Музей кўрикхона таркибига 8 та музей – Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи (бош музей), Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи, Самарқанд шаҳри (Афросиёб) тарихи музейи, Улуғбек расадхонаси ёдгорлик тарихи музейи, Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейи, Каттақўрғон шаҳри тарих ўлкашунослик музейи, Иштихон туман ўлкашунослик музейи, Пахтачи туман тарих музейи ва 6 та меъморий обидалар – Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним жомеъ масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Дониёр мақбараси, Ҳодир Девонбеги мадрасаси қиради. Музей кўрикхона Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган музейлар хазинасидаги ноёб осори атиқалар ва тарихий обидаларни авайлаб асрайди, илмий жиҳатдан ўрганади, уларни янги топилмалар билан бойитади, улар асосида янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил қилади; шунингдек, улар ҳақида китоблар, каталог, буклет, йўл кўрсаткичлар нашр этади, тарихий обидаларда музейлаштириш ишларини олиб боради, музей кўрикхона ҳудудида амалга ошириладиган курилиш ва таъмирлаш ишларини назорат қилади.

Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи Самарқанд давлат тарихий-меъморий бирлашмаси ва бадиий музейи тузилмасига қиради. Музей 1896 йил ташкил топган бўлиб, Ўзбекистоннинг қадимий музейларидан бири ҳисобланади.

Музей фаолияти давомида унинг фондидан алоҳида маданий ва тарихий қийматга эга ўн минглаб ноёб экспонатлар ўрин олган. Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи ўз ичига бешта мавзувий бўлимларни олган: тарих, санъат, доимий ва кўчирма кўргазмалар, археология фонди, этнография, тасвирий санъат, нумизматика ва маркетинг бўлимлари.

Бу ерда бронза даврига тегишли заргарлик буюмлари, зороастр оссуариялари ва ибодат буюмлари, VIII аср шахмати, XX аср бошларига тегишли рассомларининг бир неча минг ноёб суратлар, шунингдек, 1941 йил Иккинчи жаҳон уруши даврида суратга олинган М.Қаюмовнинг «Амир Темур қабрининг очилиши» машҳур фожиавий видео тасмаси ҳам сақланади. Музейда жуда яхши қадимий ва ўрта аср кошнлар, металл ҳамда ойналар, шунингдек, ганч ўймакорлиги тўплами ҳам мавжуд. Ушбу музейнинг нумизматика фондида нафақат илк Марказий Осиё давлатлари, балки Қора денгиз, Қадимий Юнонистон ва Қадимий Рим давлатларига тегишли 30 мингга яқин тангалар тўпланган. Ноёб экспонатлар сафида Самарқанднинг Челақ шаҳарчасидан топилган V-VI асрга тегишли учта кумуш қадаҳи ҳам бор. Этнографик тўплами ўз ичига XIX-XX асрларга тегишли 20 мингта миллий либослар, тилла ипда тикилган буюмлар, гиламларни олган. Бу ерда, шунингдек, самарқандлик халқ усталари томонидан қилинган бостирма чарм ва металл идишларни ҳам учратиш мумкин. Самарқанд музейи XIX асрнинг хожикентлик маърифатпарвари Хожи Юсуф Мирфаёзовга тегишли глобуси билан фахрланишади.



30-расм. Музейдаги экспонат

1978 йилдан 2010 йилга қадар Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи машҳур Регистон майдонида махсус қурилган бино ичида жойлашган. Ҳукумат буйруғи билан музей 2010 йилдан Улуғбек кўчасига олиб ўтилган. Музей бир неча йил таъмирланган ва 2014 йилнинг 1 сентябрида таъмирдан чиққан музей биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган.

Афросиёб – Самарқанд шаҳар тарихи музейи. Самарқанд шаҳар тарихи музейи 1970 йилда ташкил этилган. Музей Афросиёб шаҳарчасида – Самарқанднинг қадимий, мўғиллар истилосигача бўлган қисмида жойлашган. Музей экспозиция залларида милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан XIII асрнинг бошларигача бўлган шаҳар тарихини ёритувчи экспонатлар намоиш этилган.

Самарқанд икки минг йил давомида (Сўғд ёки Сўғдиёнанинг) марказий шаҳри бўлиб, музейда намоиш этилаётган экспонатлар Самарқанднинг юқори даражадаги маданий, сиёсий, диний ва ишлаб чиқаришдаги ҳаётини яққол ёритади.

Музейда Самарқанднинг моддий маданиятини ёритувчи сопол, шиша, тош, метал, суяк, қорапиластик ва меъморий нақшлардан иборат бой тўпламлар сақланади. Булар қарийб 20 мингдан ортиқ осори-атикаларни ташкил қилади. Бу экспонатларнинг асосий қисми музейнинг 11 та залидан иборат экспозицияларида намоиш этилиб, қолган ёрдамчи материаллар музей фондларида сақланмоқда. Биринчи қават экспозициясида Афросиёб шаҳарчасининг ўрганилиш тарихи, Сўғднинг милoddан аввалги VIII-VII асрлардан милodий VII-VIII асрларгача бўлган тарихий даврларни экспонатлар билан ёритган. Музейнинг марказий залида Сўғд ҳукмдори (Ихшиди) Варҳуман саройидаги «Элчилар хонаси»нинг суратлари жойлашган.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилеи муносабати билан музейнинг иккинчи қават экспозиция заллари тўлиқ қайта ишга туширилди.

Афросиёб қазилмаларидан топилган осори-атиқалар асосида Ўрта Осиёда мусулмон уйғониш даври тарихи ва маданияти намоиш этилмоқда. Экспонатлар мавзуси Самарқанднинг IX-XIII асрларга оид моддий маданияти тарихини ёритган.



31-расм. Афросиёб музейи

Шунингдек, қадимий Афросиёб шаҳарчаси ҳақида корейликлар томонидан видео ишлаб чиқилган бўлиб, музейга ташриф чоғида ушбу видеони томоша қилишингиз мумкин.

Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи. Самарқанднинг хушманзара бир бурчагида, XX аср бошларига тегишли эклектика усулидагига тегишли, меъмор Е.О.Нелле лойиҳаси асосида қурилган бой савдогар Абрам Калантаровга тегишли бўлган қадимий ҳовлида 1981 йил вилоят ўлкашунослик музейининг очилиши бўлган. Музей биноси меъморчилик ёдгорлиги ҳисобланиб, давлат томонидан қўриқланади.

Бинонинг барча хоналари бир қатор жойлашган. Биринчи қаватда экспозиция жойлашиб, ўлкамизнинг ривожланиш тарихини қадимий даврдан XX аср бошигача бўлган жараёнини тасвирлайди.

Мезолит-неолит-энеолит – ибтидоий жамоа тузумининг якуний босқичи бўлиб, экспозицияда турли вазифалар учун мўлжалланган тош қуроллар ва илк лой идишлар қолдиқларини ўзида мужассам қилган.

Бронза ва тош даври деворий ёзувларни суратга олиниши билан иллюстрацияланган. VIII асрдан эр.авв. IV асргача бўлган давр лойдан ясалган буюмлар – нафис шаклга эга жомлар ва тангалар билан намоиш этилган. Экспозицияни rassom В.Кайдаловнинг «Спитаменнинг кўзгалони» асари ёрқин тўлдириб туради.

Кушонийлар даври (эрамизнинг IV-I асрлари) рўзғор юксалиши, ирригациянинг ривожланиши, турли хил ҳунармандчилик йўналишлари, шаҳар

ҳаётининг равнақи билан характерланади. Унда Кушонийлар шоҳлари тасвирланган тангалар ҳам кўрсатилган.



32-расм. Музейнинг кириш қисми

Илк ўрта асрга тегишли экспозиция – бу ерда турли хил маиший ва маросимий лойдан ясалган буюмлар, суғдийлар тангалари ва кўркам аёллар тақинчоқлари, шунингдек, кўмиш буюмлари, Оқ жартепа, Созагон, Оғалиқсой кўрғонларидан топилган қуроллар (қилич) мавжуд.

Сўғдларнинг араблар томонидан босиб олишига бағишланган давр экспозициясида Афросиёб шаҳарчасига тегишли гўзал сарой нақшларнинг нусхалари, «Сўғд аскарлари» тикланган сурати, қилич ва сўғд найзаларининг қинлари намоиш қилинган.

Ислом тикланиши даври экспозициясида қизил Юнонистон шишасидан қилинган идиш қолдиқлари, Эроннинг Рея шаҳридаги лой қандил, сероб тангаларни кўриш мумкин. Экспозицияда мўғуллар найзаларининг қинлари, Чингизхон томонидан харобага айлантирилган Самарқанд кўрғони сурати ҳам мавжуд.

Амир Темур ҳамда Темурийлар ҳукмронлиги даврини қазилма материаллари, яъни металл буюмлар тўплами, суяклар, шишалар ва XV-XVI асрларга тегишли тангалар кўрсатиб, у давр ҳунармандчилиги, қарвон савдолари ва Темурийлар даври савдо-пул муносабатларини намоён қилади. Бу ерда шунингдек, ноёб экспонатлар намоиш қилинган – XV-XVI асрларнинг олий воқифига тегишли жанг ва намоиш дўмбираси, шунингдек, 1678 йил Амстердамда нашр қилинган Де Санктиеннинг «Темур тарихи» номли ноёб китобини кўриш мумкин.

Экспозицияда архитектор В.А. Нилсен томонидан бажарилган тикланган обсерваторияни ва улкан астрономик қурол квадрант (секстант)нинг қолдиқлари туширилган суратларини ҳам учратиш мумкин.

Мирзо Улуғбек мажмуаси музейи. Мирзо Улуғбек мажмуаси музейи Мирзо Улуғбек расадхонасининг рўпарасида қад ростлаган. Музейнинг

кириш қисми Ўзбекистон халқ рассоми А.Икромжонов мўйқаламига мансуб Мирзо Улуғбекнинг портрети ва Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг Мирзо Улуғбек ҳақидаги сўзлари билан бошланади.




33-расм. Мирзо Улуғбек мажмуаси музейи

Музей экспозициясида Соҳибқирон Амир Темур давлатчилигига оид харита, Европа давлатларининг қироллари томонидан ёзилган хат нусхалари намоиш этилган. Ўз асрининг буюк астрономи Мирзо Улуғбекнинг туғилишига оид миниатюра нусхаси, Улуғбек даври фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ олимлар Жалолiddин Румий, Али Қушчи портретлари ва ўша даврда зарб қилинган тангалар экспозиция мазмунини бойитган.

Расадхона тарихи билан боғлиқ вақф ҳужжати намунаси, меъморлар Нильсен, Г.Пугаченкова, М.Булатовлар томонидан тайёрланган расадхона макетлари томошабинлар диққатини тортади.

Мирзо Улуғбекнинг XVII асрда жаҳоннинг буюк астрономлари давраида тасвирланган миниатюра, буюк олим қаламига мансуб «Зиҳ» асари ҳамда кенгликлар даражаларини аниқлашда қўлланган макетлар лойиҳаси, қибланомалар экспозициядан ўрин олган.

2009 йилнинг апрель ойида Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани кенгликлари «Майданак» фазони кузатиш расадхонасида янги сайёра аниқланиб, жаҳоншумул воқеликка асос солинди. Ушбу сайёрага мухтарам Биринчи Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов таклифи билан «Самарқанд» номи берилди.



34-расм. Музейнинг ички кўриниши

Экспозицияда ана шу кенгликда олинган «Самарқанд» номи билан аталувчи сайёра сурати ҳам ўрин олган.

Садриддин Айнийнинг ёдгорлик уй-музейи. Янги тожик адабиётининг асосчиси, янги ўзбек адабиётига салмоқли хисса қўшган ёзувчи Садриддин Айнийнинг ёдгорлик уй-музейи Ўзбекистон ҳукуматининг 1964 йил 16 июндаги қарорига биноан 1967 йил 19 майда ташкил қилинган. Музей Садриддин Айний кўп йиллар (1923-1954 й.й.) самарали ижодий меҳнат, фаол ижтимоий ҳаёт ва илмий-педагогик фаолият олиб борган уйида жойлашган.

Ёдгорлик музейининг кўرғазмаси (экспозицияси) Ўзбекистон ҳукуматининг Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейини очиш ҳақидаги қарори ўрнатилган шимол томондаги айвондан бошланади. Шу ернинг ўзида музейнинг очилишига бағишланган митинг ва музейнинг биринчи меҳмонлари туширилган фотосуратлар кўрғазмаси жой олган. Ёзувчи таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ҳайкалтарош Ҳакимхўжа Ҳусниддинхўжаев томонидан ганчдан ишланган бюст ҳам шу ерда жойланган.

Айвон ёнида ёзувчининг биринчи ишхонаси бўлиб, бу ерда Садриддин Айний 1923 йилдан 1937 йилгача ишлаган. Бу хонада Устоз Айний томонидан «Одина», «Қулбобо», «Эски мактаб», «Судхўрнинг ўлими» повестлари, «Дохунда», «Қуллар» каби романлари ёзилган ва «Ёдгорий» шеърий тўплам нашрга тайёрланган.

Иш кабинетининг ёнидан Садриддин Айнийнинг дам олиш хонаси жой олган. «Нақшинкор» деб номланадиган бу хонада Садриддин Айний 1937 йилгача яшаган. Бу ерда ҳамма нарсалар худди ёзувчи ҳаётлигидагидек жойлаштирилган. Бурчакда қиш пайтида ёзувчи исиниб ўтирган сандал бор ва Айний фойдаланган бошқа уй анжомлари жойлаштирилган.

Дам олиш хонасида Садриддин Айний турли шаҳарлардан ташриф буюрган чет эллик меҳмонларни қабул қилган. Бу хонада Садриддин Айний асарларининг кўп қисмлари ёзилган. «Нақшинкор» хона даҳлезидида Садриддин Айнийнинг «Бухородаги ҳаёти ва ижоди» экспозицияси тақшил қилинган

бўлиб, унда ёзувчининг болалиги, унинг эски мактаб ва кўпгина Бухоро мадрасаларидаги ўқиши, дўстлари ҳамда унинг 75-дарра билан жазоланиши, Бухоро зиндонига ташланиши, халос этилиши, Когон касалхонасида даволаниши ҳикоя қилинади.



35-расм. Музей экспонатлари

Жанубий айвоннинг интеръери (ички қисми)да шу уйда ёзилган асарлар муқоваларининг суратлари қўйилган бўлиб, уларнинг муаллифи Самарқандлик санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Даврон Сафоевдир. Жанубий айвоннинг ёнида, катта кўрғазма зали жойлашган бўлиб, унда ёзувчининг Самарқанддаги ҳаёти ва ижоди ўз ифодасини топган.

Катта кўрғазма залининг ёнида ёзувчининг ётоқхонаси жойлашган. Бу ерда ҳаётлигида фойдаланган кийими, жавони, столлар, стуллар ва бошқалар сақланган (1937-1954). Бундан ташқари бу эрда ёзувчининг давлат арбоблари, ёзувчилар, олимлар, рассомлар томонидан ташкил этилган совға буюмлари кўрғазма сифатида қўйилган: масалан, 1968 йилда Тожикистон маданият вазири Меҳрубон Назаров олиб келган Садриддин Айний портрети ишланган гилам осиб қўйилган. Таниқли Ўзбекистон Кулоли Мухиддин Раҳимов ва рассом М.М.Воронский томонидан музейга «Фарход ва Ширин» деб номланган гулдон совға қилинган.

Иштихон туман тарихи музейи. Иштихон ҳақидаги илк маълумотларни биз V-VIII асрларга оид Хитой манбаларида ўқишимиз мумкин. Айтилишича, Хитой тилида Иштихон «Сао» деб юритилган. Иштихон араблар истилосигача ва ундан кейинги бир неча асрлар давомида суғдларнинг «ихшид» деб аталувчи қабилалари яшаган хонликнинг маркази бўлган. «Иштихон» сўзи ҳам аслида шу хонликнинг номи «Ихшидхон» сўзидан келиб чиққан ва талаффузда ўзгара бориб, кейинчалик «Иштихон» деб номланган.



36-расм. Музейнинг ташқи кўриниши

Хонликнинг маркази Иштихон карвон йўли устида жойлашганлиги туфайли ўрта асрларда савдо шаҳри сифатида ривож топган. Бу ерда хунармандчилик турлари, айниқса юзига нақш солиб тайёрланган ихчам ғиштлар машҳур бўлган. IX-XI асрларда бу ерда ҳокимиятни бошқарган хонлар ўз номлари билан мисдан танга пуллар чиқаришган. Ўша вақтларда Иштихон олти дарвозали шаҳристондан ва атрофи работлардан иборат бўлган.

Аммо мўғуллар истилосидан кейин ҳамда ўзаро феодал урушлар оқибатида шаҳарнинг кундан-кунга мавқеи йўқола боради ва XVII аср охирларида шаҳар батамом бузилиб, унинг ўрнида кичик қишлоқ қолади.



37-расм. Музейнинг ички кўриниши

Музейнинг экспозиция залларида унинг ўтмиши, тарихи, табиати, ўсимлик дунёси ҳақида сўзловчи экспонатлардан ташқари, туманнинг бугунги

куни, яъни, мустақиллик йилларида иқтисодиёт, спорт, маданият ва шаҳарсозлик соҳаларида эришилган муваффақиятларини кўришингиз мумкин. Иштихон туман тарихи музейида 2014 йилда катта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Пахтачи туман тарихий музейи. Пахтачи туман тарихий музейи 1970 йилда ташкил топган. Музей 7 та залда фаолият кўрсатаётган экспозициялардан иборат. Археология зали – бу ерда XVI-XVII асрларга оид экспонатлар мавжуд. Экспонатлар қадимий Добусия қалъасидан археологик қазилмалар чоғида топилган, Оқтепа ва Қоратепадан келтирилган. Аҳолининг турмуш ва ҳўжалик ҳаётини акс эттирувчи залда ошхона ва ошхона жиҳозлари, хунармандчилик буюмлари мато тўқиш дастгоҳи, дехқон уйлари, темирчилик устахонаси, уларнинг асбоблари ҳамда дехқончилик асбоблари қўйилган.

Амир Темур ва темурийлар экспозициясида Сохибқирон Амир Темур ва темурийлар давлатчилиги, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги бой мероси, шунингдек, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар ҳаёти, илмий, адабий, маданий ва маънавий меросларини акс эттирувчи экспонатлардан иборат. Халқ амалий санъати – XVII-XVIII асрга оид эркаклар ва аёллар кийимлари, тақинчоқлари, паранжи ва сўзаналар намоишга қўйилган.

XX аср маърифатпарварлари Чўлпон, Фитрат ва бошқалар ҳақида сўзловчи экспонатлар, расм ҳамда маълумотлар ташриф буюрувчилар диққатини ўзига жалб этади. Ушбу бўлимда халқимизнинг машҳур ҳофизлари Ж.Султонов, Ю.Ражабий, М.Узоқов, К.Отаниёзов фотосуратлари жамланган.



38-расм. Музейнинг ташқи кўриниши

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Мустақиллик экспозицияси»да Биринчи Президентимиз

И.А.Каримовнинг фотосурати, давлат рамзлари – герб, байроқ, мадҳия ҳақидаги маълумотлар билан бошланган. Шунингдек, ушбу бўлимда намунавий уй-жойлар, касб-хунар коллежлари, сумалак ва Наврӯз байрамлари, қўли гул хунарамандларнинг фотосуратлари тасвирланган. «Самарқанд: кеча ва бугун» деб номланган экспозицияда Самарқанд шаҳрининг мустақилликдан олдин ва кейинги даврлардаги кўринишлари фотосуратларда акс эттирилган.

Каттакўрғон шаҳар тарихи ўлкашунослик музейи. Каттакўрғон шаҳар тарихи ўлкашунослик музейи 1974 йилда жамоатчилик асосида ташкил этилган. Аввалига музей учун 1804 йилда маърифатпарвар Муҳаммад Аминхўжа Нақиббек томонидан қурилган мадраса биноси ажратилади.

Айни пайтда эса музей Каттакўрғон шаҳридаги Ўзбекистон кўчаси 105-уйда жойлашган тарихий бинода фаолият юритиб келмоқда. 1982 йилда музей вилоят давлат музей-қўриқхонаси таркибига киритилган. Музейда ноёб ашёлар ва артефактлар сақланмоқда ҳамда экспозицияларда намойиш этилмоқда. Кўргазмалардан этнографияга оид бўлган, ўлкада кенг қўлланилган, юксак даражада тайёрланган анъанавий кийим-кечаклар ва тақинчоқлар ўрин олган. Ташриф буюрувчилар диққатини XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида турли моҳир чеварлар томонидан тайёрланган миллий-декоратив кийимлар намуналари ўзига жалб этади.



39-расм. Музейнинг ташқи кўриниши

Булар жойнаmozлар, сўзаналар, ойна халтачалари ва бошқалардан иборатдир. Бу ашёлар ўзларининг тикилиш услуби, орнаменти, композицияси ва ранглар уйғунлиги билан ажралиб туради.

Музейда кўплаб археологик ашёлар мавжуд бўлиб, улар ўлканинг тарихи, одамларнинг турли даврлардаги турмуши тўғрисида маълумот беради. Музейда ушбу ўлка мусаввирларининг кўплаб асарлари тўпланган. Ўлка табиатини ифодаловчи табиат бўлими ниҳоятда қизиқарлидир.

III-БОБ. САМАРҚАНДНИНГ БУГУНГИ КУНИ

3.1. Самарқанднинг умумий тавсифи

Самарқанд вилояти Ўзбекистон Республикасининг марказида, Зарафшон водийсида жойлашган. Шимолий-шарқда Жиззах вилояти, шарқда Тожикистон Республикаси, жанубда Қашқадарё вилояти, ғарбда ва шимолий-ғарбда Навоий вилояти билан чегарадош.

Вилоят 1938 йил 15 январда ташкил топган.

Умумий майдони 16,77 минг кв.км.

Аҳоли сони – 3651,7 минг киши (2017 й).

Самарқанд вилояти 14 та тумандан иборат. Булар: Булунғур, Иштихон, Жомбой, Каттакўрғон, Нарпай, Нуробод, Окдарё, Пайариқ, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тойлоқ, Ургут ва Қўшробот. Самарқанд вилояти туманлари сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар орасида биринчи ўринни эгаллайди.

Шаҳарлар сони 11 та. Вилоятнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Каттакўрғон, Ургут, Октош, Булунғур, Жума, Жомбой, Челак, Иштихон.

Маркази Самарқанд шаҳри. Кўҳна, ноёб тарихий обидаларга бой бўлган Самарқанд шаҳри вилоятнинг марказий шаҳри бўлиб, у 1924-1930 йилларда Ўзбекистон пойтахти вазифасини бажарган.

Вилоятнинг марказий қисми гўзал воҳадан иборат бўлиб, бу воҳа унча кенг бўлмай шарқдан-ғарбга томон Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмалари орасини эгаллаган. Вилоятнинг асосий суғориладиган ерлари худди анашу майдонларни эгаллаган.

Самарқанднинг тарихий ва маданий қийматини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати ушбу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.



40-расм. Самарқанд вилояти харитаси

Қолаверса Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунёнинг турли бурчакларидан шарқ мусиқаси созандалари ва ихлосмандларини ўз бағрига чорлайди.

3.2. Туристик маҳсулотни яратишда “энг мазали нон”, “энг нафис қоғоз”, “энг зўр театр”, “энг жозибадор гиламлар” ва “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг ўрни

Туристик маҳсулот туризм мақсадлари ва жараёнида туристнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган, барча туристик хизматлар, ишлар, товарлар ва таъминот воситалари ҳамда турпакетга киритилган бошқа туристик хизматлар мажмуидан иборат. Туристик маҳсулот (турпакет) хизматлар ҳаракатининг 24 соатдан ортиқ вақтига эга ва ёки тунаб қолиш (жойлаштириш) ва бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтиш (юк ташиш) ни ўз ичига олади. Туристик маҳсулот барча кўрсатилган хизматлар ва барча ҳаражатларни ўз ичига олган умумий нарх бўйича таклиф этилади, унинг истеъмол хусусиятлари эса шартнома шартлари асосида амалга оширилади. Туристик маҳсулотнинг жозибадорлигида тур учун танланадиган туристик объектлар ва уларнинг мавзуси муҳим ўрин тутди. Шундай муҳим объект сифатида Самарқанд нони, қоғози, Эл мероси театри ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин.

Самарқанд нони. Самарқанд нонлари нафақат мамлакатимиз ҳудудларида балки, бутун дунёга қадимдан ажойиб мазаси билан донг таратган неъматдир. Ҳозиргача ҳам ҳеч ким Самарқанддан Самарқанд нонисиз кетмайди. Айтишларича ҳақиқий Самарқанд нони 3 йилгача айнимас экан. Уни анча вақтдан кейин ҳам юзига сув пурқаб, тандир ёки печда иситиб тановвул қилиш мумкин.

Самарқанд нонини қадимда Бухоро амири ҳам жуда хуш кўрган экан. Шу сабабли, амир ушбу нонни ўз саройида ёпишларини истабди. Сарой аъёнлари Самарқанддан энг яхши нонвойни олиб келиб, унга Самарқанд нонини ёпишни буюрибдилар. Нонвой улар айтганидек қилибди. Аммо унинг барча уринишларига қарамай, ноннинг на мазаси, на юмшоқлиги Самарқандда ёпган нонларидек чиқмабди. Шунда нонвой: «Ҳамма гап Самарқанд сувида ёки унида эмас, балки Самарқанд тупроғидан ясалган тандирда бўлса керак», – дебди. У айтганидек қилиб, Самарқанд сувини ҳам, уни ва тандирини ҳам келтиришибди. Лекин бу гал ҳам тандирдан чиққан нон кўнгилдагидек бўлмабди. Шунда нонвой: «Нонларимнинг Самарқанддагидек чиқиши учун Самарқанднинг бетакрор иқлими, об-ҳавоси зарур бўлса керак» – дебди. Самарқанд ҳавосини олиб келишнинг иложи йўқлигини тушунган амир нонвойни ортиқ қийнамабди. Амир севган Самарқанд нонини эса яна Самарқанддан келтиришни давом эттиришибди.



41-расм. Самарқанд нони

Бугун ушбу ноннинг биргина бўлагини таътиб кўриш мақсадида бутун дунёдан шаҳарга келаётганлар бисёр. Самарқанд нони шифобахшлиги, ўзгача мазаси, бир бўлаги ҳам тўйимли экани билан азалдан доврўғ қозониб келган.

*«Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланади»
Заҳириддин Муҳаммад Бобур*

Самарқанд қоғози. Илк ўрта асрларда Самарқандда қилинган кашфиёт борки, бу олдинги кашфиётлардан тубдан фарқ қилади. Бу кашфиёт жаҳон илм-фани ва маданиятини янада жадал ривожланишига катта ҳисса қўшган – Самарқанд қоғозидир. Самарқанд қоғозининг кашф этилиш даври ҳақида олимлар ўртасида ҳам бир хил фикр йўқ. Айрим тарихчилар масалан, Абу Мансур ас-Саолибий «Самарқандликларга қоғоз яратиш сирини Талас водийсидаги жангда асир тушган хитойликлар ўргатишган»¹⁵, - деб ёзган эди. Тарихчи Сайид Муҳаммад ал-Ханжий араблар милодий 650 йиллари Самарқандга келганларида бу ерда қоғоз ишлаб чиқаришга мослашган устахоналарни кўрганликларини ёзган. Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Самарқандда бундан 1500 йиллар илгари юксак навли қоғозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Самарқанд қоғозлари пишиқлиги, сифати ва кўзни толдирмас рангда бўлганлиги сабабли дунёдаги энг машҳур қоғоз саналган. Хуросон, Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари бозорларида Самарқанд қоғозига алоҳида талаб ва эҳтиёж бўлган.

Эронда нашр этилган «Девони Манучехр» номли манбада айтилишича, XI асрда жуда кўплаб эронлик шоирлар Самарқанд қоғозига атаб шеърлар битганлар.

¹⁵ Бердимуродов А, Индиаминова Ш. Буюк Ипак йўли: китъалар ва асрлар оша. –Т.: 2017, 76 бет.

Улуғ шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандда тайёрланади, қоғоз тегирмонлари учун сув Кониғилдан келади. Кониғил Сиёб ариғининг қирғоғида жойлашган. Бу ариқни «Оби раҳмат» деб ҳам атайдилар», - деб ёзган эди.



42-расм. Самарқанд қоғози

Қоғоз тайёрлашдек мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ҳунар бугунги кунда Самарқандда қайта тикланиб, «Мерос» номли кичик устахонада Самарқанд қоғози тайёрланади.

Қоғоз тайёрлаш учун тут дарахтининг шохлари ўн кун давомида сувда ивителиб, сўнгра унинг пўстлоғи қўл билан ажратиб олинади. Ундан кейин икки ҳафта давомида пўстлоқ қоғоз хом-ашёсига айлантирилади. «Мерос» устахонасида ушбу қимматбаҳо қоғоз тайёрлашнинг барча босқичлари, шунингдек, тут шохларидан олинган хом-ашёни сиқиш ва текислаш жараёнлари ҳам бевосита томошабинларнинг эътиборига ҳавола қилинади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қоғоз ишлаб чиқариш саноати янада ривожланди. Самарқанд қоғози бугунги кунда ҳам жаҳоннинг энг сифатли қоғозлари сирасига киради.

«Эл мероси» театри. Самарқанд шаҳрининг марказий қисмида, қадимий бинода жойлашган «Эл мероси» театри бугунги кунда нафақат ўзбек халқи, балки, Ғарб-у Шарқдан келган туристлар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. 90 кишилик томошабин сифимиға эга бўлган ушбу театрда, миллий услубда безатилган шинамгина чойхона ҳам мавжуд бўлиб, ташриф буюрувчиларга миллий услубда хизмат кўрсатилади. Шунингдек, меҳмонлар театр костюмларида эсдалик учун расмга тушишлари ҳам мумкин.

Театрда актёрлар томонидан бронза давридан то ҳозирги кунгача бўлган воқеаликлар мусиқий сахна кўринишларида намоиш этилади. Актёрлар костюмлари сахна кўринишларини ҳаққоний чиқишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Бу ерда саклар, массагетлар, оташпарастлар, форс ва суғд халқларининг кийимлари, Темурийлар даври кийимлари ва мамлакатимизнинг турли вилоятларининг миллий кийимлари намоиш этилади.

Театр костюмлари ўша давр талабидан келиб чиққан ҳолда, аниқ ишланган бўлиб, костюмларни ишлашда Эрмитаж музейи, Милан тарихий

музейи, Британия тарихий музейи, Брюсселдаги Қироллик санъати ва тарихи музейи, Ўзбекистон Фанлар Академияси кўлёзма ҳамда асарларидан, тарихий «Шоҳнома», «Бобурнома», «Зафарнома» асарларидан фойдаланилган.



43-расм. Театр актёрлари образлари

Бугунги кунда театрда кўплаб сахна кўринишлари намоиш этилиб, уларга ҳаммоҳанг тарзда ижро давомида миллий чолғу асбоблари куйлари мос ҳолда жаранглайди.

«Худжум» гиламлари. Самарқанддаги «Худжум» гилам фабрикаси нафақат Ўзбекистонда, балки яқин чегарадош мамлакатларда ҳам машҳур ҳисобланади. Ўз ишининг устаси ҳисобланмиш фабрика ишчилари кўп меҳнат, сабр талаб қиладиган заҳматли вазифани кўз нури ва қалб кўрини бериб тайёрлайдилар. Замонавий механизмлашган тизимлар мавжуд бўлишига қарамасдан, ушбу фабрикадаги гиламлар кўл меҳнати асосида тайёрланади. Фабрикага ташриф буюрганларга гилам тайёрлаш жараёни бошидан охиригача – гилам тайёр маҳсулот ҳолига бўлгунгача бўлган жараён кўрсатилади.



44-расм. Гилам тайёрлаш жараёни

Фабрикада ишловчи қизлар жуда узоқ муддат давом этадиган жараёни сабр билан қарши олиб, меҳр билан гилам тўқийдилар. Гилам тайёрлаш жараёни ниҳоятда кўп вақт талаб этиб, битта гилам тайёр ҳолига келгунча бир йиллик меҳнат сарфланади. Гиламдаги шарқона гуллар ва нақшларнинг қай даражада мураккаб бўлишига қарамасдан, ҳар бир квадрат сантиметр ўта моҳирлик ва синчковлик билан тўлдирилади. Шарқона чирой билан яратилган тайёр маҳсулотни эса таърифлашга тил ожизлик қилади. Энг муҳими ипак ипларнинг барчаси табиий бўлиб, улар табиий ранглар билан бўялиб тайёрланади. Ипак ипларни бўяшда анор пўстлоғи, грек ёнғоғининг почоғи, сарсабил ўсимлигининг пояси ва бошқа ранг берувчи табиий рангдор маҳсулотлардан фойдаланилади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йилдан бери ҳар икки йилда бир мартаба ЮНЕСКО шафелигида азим Самарқанд шаҳрида ўтказилиб келинмоқда.

Фестивалнинг асосий мақсади миллий мусиқа санъати дурдоналарини кенг оммалаштириш, сақлаш ва мукаммаллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъаналарга муҳаббат руҳида тарбиялаш, халқаро маданий алоқаларни янада кенгайтириш ҳисобланади.

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали дастурлари доирасида турли давлатлардан келган миллий мусиқа ижрочилиги намуналари намойиши, шунингдек, мусиқашунослар, композитор ва ижрочилар иштирокидаги илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Дунё халқлари анъанавий мусиқа санъатининг сержило дурдоналарини ўзида жамлаган «Шарқ тароналари» мусиқий фестивалининг ранг-баранг дастури, йилдан-йилга, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақаси ҳамда фестивалда қатнашувчи мамлакатлар учун ҳам муҳим тадбирга айланиб бормоқда.



45-расм. Шарқ тароналари халқаро мусиқа фестивали

Фестивалда ғолибликни кўлга киритганлик учун совринлар қиймати Гран При учун 10 000 АҚШ доллари, 1-ўрин учун 7 000 АҚШ доллари ҳисобланади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали хронологияси:

1997-йил – Гран При, Симара Иманова (Озарбайжон)

1999-йил – Гран При, Насиба Саттарова (Ўзбекистон)

2001-йил – 1-ўрин, Алим Гасимов (Озарбайжон)

2003-йил – Гран При, «Уранхай» ансамбли (Россия, Тува Респ.)

2005-йил – 1-ўрин, Айгун Бийлар (Озарбайжон)

2007-йил – Гран При, Кувайт мусиқа институте гуруҳи (Кувайт)

2009-йил – Гран При, Ляле Бегназарова (Туркменистон)

2011-йил – Гран При, Ижрочилар гуруҳи (Корея Республикаси)

2013-йил – Гран При, Ижрочилар гуруҳи (Ҳиндистон)

2015-йил – Гран При, «Жианшу» аёллар оркестри (Хитой)

2017-йил – Гран При, Сахиб Пашазаде (Озарбайжон)

3.3. Сиёб бозори – бетакрор Шарқ бозори

Сиёб бозори – бу ниҳоятда ўзига хос жой бўлиб, бу ерга ташриф чоғида қадимий шаҳар муҳитини ҳис этиш мумкин. Самарқанддаги Сиёб бозори ҳар бир сайёҳ кўриши зарур бўлган шаҳарнинг қадимий нуқталаридан бири ҳисобланади, чунки бозор 600 йиллик тарихга эга.

Сиёб бозори жуда қулай жойлашган бўлиб, жами 7 гектор майдонни эгаллайди. Ундан бор-йўғи бир неча чақирим нарида катта Бибиҳоним масжиди қад ростлаган. Бозордан узоқ бўлмаган ерда яна бир ёдгорлик – Ҳазрати Ҳизр масжиди жой олган. Бозорнинг майдони жуда катта бўлиб, савдо қаторлари беш гектардан каттароқ ерга қурилган. Бозорга кириш уч тавақали аркли тепалик кўринишида бўлиб, кўк-ҳаво ранг туслардаги кошнлар билан безатилган. Савдо қаторлари шийпон билан беркитилган бўлиб, бозорни ёзнинг жазирамасидан ва қишнинг қаҳратонидан ҳимоя қилади.



46-расм. Сиёб бозорига кириш эшиги

Аркни ҳатлаб ўтиб, сиз умуман ўзгача, эҳтимол эртакона муҳитга тушиб қоласиз: ранглар жилоси кўзни қамаштиради, юзлаб савдогар ва харидорларнинг ғовур-ғувури қулоққа чалинади, мева ҳамда сабзавотларнинг мўллиги ҳайратга солади.

Самарқанднинг Сиёб бозори, деярли ҳеч қачон «ухламайди». Бу ерда савдо-сотик қуёшнинг илк нурлари чиқиши билан бошланиб, кеч шомгача давом этади.

Сиёб бозори деҳқон бозори ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда, асосан, Ўзбекистоннинг меҳнаткаш деҳқонлари томонидан етиштирилган мевалар, полиз экинлари, шунингдек, маҳаллий аҳоли ўз қўли билан тайёрлаган маҳсулотлар сотилади. Савдо қаторлари маҳсулот турига кўра сараланган. Маҳаллий аҳолини айтишича бу ернинг қуруқ мевалари, ширинликлари ва ёнғоқлари шунчалик мазалики, ҳатто пойтахт аҳолиси ҳам уларнинг хариди учун Сиёб бозорига ташриф буюришади. Шу билан бирга шарқ бозорида зираворларнинг хилма-хилини, ҳатто энг ноёбларини ҳам учратиш мумкин. Егуликлардан ташқари, бу ерда маҳаллий хунарманд ва усталарнинг ясаган буюмлари ҳам мавжуд. Нон қатори алоҳида эътиборни тортади. Сиёб бозорида 17 дан ортиқ нон турини учратиш мумкин.



47-расм. Қуруқ мевалар



48-расм. Самарқанд нони

Шарқ бозорини тотиб кўришсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бошқа бозорлар каби бу ернинг хушмуомала савдогарлар олинаётган маҳсулотингизни тотиб кўришингизга ундаб туриши шарқ бозорларининг ўзига хослигидан далолатдир. Бошқача қилиб айтганда бу – савдолашиш «удуми»дир. Бу ерда ҳар бир харидор савдолашишни ўзига одат қилган. Зеро, савдолашишдан асосий мақсад пулни тежас эмас, балки, осийликларда ёшлигидан шаклланиб келган одатнинг намоён бўлишидир. Ким савдолашиш санъатини яхши ўзлаштираркан, ютуқ у кишининг ҳамроҳи бўлади.

Доим янги узулган мева ҳамда турли хил маҳсулотлар билан бирга, Самарқанд Сиёб бозорининг яна бир ўзига хослиги бу – шаҳарда содир бўлаётган янгилик ва ходисалардан хабардор бўлиш мумкинлигидир. Ўзбеклар

жуда чиқишимли халқ бўлиб, бу ерликлар нотанишлар билан ҳам осонгина суҳбатга кириша оладилар.

Бозорга ташриф буюриб, ҳар бир киши самарқандча байрамона, ажиб муҳитга тушиши билан бирга, шаҳар нима билан яшашини, нафасини ҳис қила олади. Серсув мевалар ва хушбўй нони билан бирга, бу бозордан хотирангизда ёқимли лаҳзаларни эслатиб турувчи шарқона муҳитнинг бир бўлагини ҳам олиб кетишингиз.

3.4. Зарафшон давлат қўриқхонаси

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тўқайзорлари ҳудудларида жами 5 та қўриқхона ташкил этилган бўлиб, Зарафшон қўриқхонаси шулардан бири ҳисобланади. Қўриқхонага 1975 йилда асос солинган. Унинг ҳудуди Чўпон ота тоғининг баландликларидан бошланиб, ўнг қирғоқи бўйлаб 47 километр узокликда давом этади. Қўриқхона ҳудуди 2352 гектар ҳимоя қилинадиган ҳудуд ҳисобланади. Улардан 680 гектарини ўрмон ташкил этади.

Қўриқхонани ташкил этишдан мақсад – бугунги кунда йўқолиш арафасида бўлган турли қушлар, Бухоро буғулари, ҳудуднинг флора-фаунаси ва доривор ўсимликлар дунёсини сақлаб қолиш ҳисобланади. Бу ерда 17 турдаги сут эмизувчилар, 170 дан ортиқ қуш турлари ҳамда бир неча ўнлаб турдаги судралиб юрувчилар яшайди.



49-расм. Қўриқхонада мавжуд қуш турлари

Бутунжаҳон ёввойи табиатни сақлаш фонди (WWF) томонидан Бухоро буғуларини ўз яшаш ҳудудларига қайтариш ишлари ташкил этилган. Натижада Бухоро буғулари Зарафшон қўриқхонаси ҳудудига қайтарилган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2006 йилда Марказий Осиёда уларнинг сони 1000 тани ташкил этди.

Зарафшон қўриқхонасининг ғурури бу Бухоро буғусидир. Ўрғочи буғунинг вазни 300 килограммгача бўлади. Шохлари ҳар йил ўзгариб боради. Тана ранги оч кулранг, малла ранг бўлиб, унинг ранги қишга нисбатан ёзда эркинлашади. Оёқлари тана рангига нисбатан очроқ. Янги туғилган буғулар

очроқ рангда бўлиб, уларнинг тана қисми ён томонларида оқ доғлари бўлади. Кичик буғучаларнинг бўйи 60 сантиметрни ташкил этади. Танасининг оғирлиги эса 9 килограммни ташкил этади.



50-расм. Бухоро буғуси

100 йиллар аввал Бухоро буғуларини Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида учратиш мумкин эди. Улар Амударё ва Сирдарё дарёларининг тўқайзорлари бўйида ингичка йўл бўйлаб яшашди.

Қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши, тўқайзорларнинг дарё ёқасидан юқотилиши, чорва молларининг кўпайиши, буғдойзорларни кенгайтириш ва тартибга олинмаган овчилик натижасида уларнинг популяцияси XIX асрга келиб камайиб кетди. 1990 йилга келиб, бутун дунёда Бухоро буғуларининг сони 300-350 тани ташкил этди.

Ҳозирги кунда Бухоро буғуларини сақлаб қолиш ва уларнинг яшаш ҳудудларида сонини кўпайтиришга қаратилган дастур амалга оширилиб келинмоқда. Бу дастурни амалга оширишнинг асосий ташаббускори Франция Миллий Илмий Тадқиқотлар маркази ҳисобланиб, марказ ўзининг лойиҳаларини Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси орқали амалга оширилиб келинмоқда.

IV-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

4.1. Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари

Самарқанд вилоятида ҳудудий иқтисодиётнинг ривожланишида туризм соҳаси улуши нисбатан кам бўлишига қарамай, унинг ривожланишида ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Қуйида келтирилган жадвалда Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм соҳасининг нисбий улуши ҳамда ҳудудий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан ривожланиш тенденцияси таҳлил қилинган (2-жадвал).

Таҳлил натижаларига кўра, 2007-2015 йиллар оралиғида туризм соҳаси вилоятимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларига нисбатан шиддатлироқ ривожланиб, ушбу давр оралиғида туристик хизматлар ҳажмининг ўртача йиллик ўсиши 21,96 %ни ташкил этган (саноат тармоқлари комплексининг ўртача йиллик ўсиш суръати 16,03%ни, қишлоқ хўжалигида эса ўртача йиллик ўсиш даражаси 6,35% ни ташкил этган). Бундан ташқари, ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш даражалари келтирилган давр оралиғида ЯХМ ўртача йиллик ўсиш даражасига нисбатан юқорироқ (2007-2015 йиллар давомида ЯХМнинг ўртача йиллик ўсиш даражаси 10,3%ни ташкил этди).

2-жадвал

Самарқанд вилояти ҳудудий иқтисодиётининг таркибий ривожланиш тенденциялари

	Ўтган йилга нисбатан (%)да					
	2010	2011	2012	2013	2014	2015
ЯХМ	113,6	112,9	111,6	108,9	109,8	110,5
Саноати	119,8	107,5	121,2	112,5	114,8	113,8
Қишлоқ хўжалиги	107,3	107,4	106,4	106,9	107,0	107,3
Хизматлар соҳаси	117,4	119,4	118,1	122,7	120,1	116,9
Туристтик хизматлар (тур.-экс. ва меҳ. хиз.)	112,5	110,1	124,3	112,3	124,1	115,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Самарқанд бошқармаси маълумотлари.

Самарқанд вилоятида мазкур давр оралиғида туризм соҳасининг ривожланиш даражаси республика миқёсидаги кўрсаткичлардан ҳам юқоридир (республика миқёсида ушбу давр оралиғида мазкур кўрсаткич 18,7%ни ташкил этган). Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қиладиган бўлсак, жорий ривожланиш даражалари сақланган тақдирда ҳам яқин ўн йилларда туризм ҳудудий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиши мумкин.

Маълум бир мамлакатда туризмнинг самарали ривожланиш даражасига саёҳатнинг бевосита амалга ошишини таъминловчи бинолар тизими, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан йўллар, транспорт

тизими, электр ва алоқа билан таъминлаш тармоқлари, туризм соҳасига кадрларни тайёрлаш тизими, туризмнинг турли хизмат кўрсатиш корхоналари ва уларни керакли даражада ишлатиш ҳамда таъминлаш тизимини қамраб олган ривожланган туристик инфратузилмасиз эришиб бўлмайди. Бунда туризм соҳасида туристик ресурслар, яъни табиий-иқлим, тарихий-маданий, маърифий, ижтимоий-маиший туризм объектлари бўлган ҳудудларда керакли инфратузилмани яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Туризм инфратузилмаси миллий ва ҳудудий иқтисодиётга бевосита ҳамда билвосита таъсир этади. Бевосита таъсири айнан туризм соҳасининг самарали ривожланишида ўз аксини топса, билвосита таъсири тармоқлараро ўзаро алоқаларнинг ривожланганлигига боғлиқ бўлган мультипликатив самара орқали намоён бўлади. Шу сабабли туризмнинг самарали ривожланиши туризм инфратузилмасини ривожлантириш масаласига комплекс ёндашувлар асосидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Қуйида ҳудудий туризм инфратузилмасини алоҳида таркибий қисмларининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларини тадқиқ этган ҳолда, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.


Туризмнинг транспорт инфратузилмаси турни ташкил этишда фойдаланиладиган транспорт воситалари, транспорт объектлари, транспорт ва туристик ташкилотлар, транспорт йўллари ва маршрутлари, йўл бўйида жойлашган сервис объектлари, соҳага тегишли ахборот ва алоқа воситаларини қамраб олган мажмуадир. Ҳудудга туристик оқим ҳажмининг кўпайиши, мустақил кўчиб юриши, турга янги ҳудудий туристик объектларни киритиш имкониятлари, авваламбор, транспорт инфратузилмасининг ривожланганлигига боғлиқ.

Бугунги кунда Самарқандда халқаро аэропорт фаолият юритмоқда. Миллий авиакомпания замонавий «Эйрбас» ва «Боинг» авиалайнерлари билан таъминланган. Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйлаб Испаниянинг «Талго» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий электр поёздларининг ҳар кунги қатнови йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.


Соҳа ривожланишидаги ижобий силжишлар қаторида, Самарқанд вилоятида қаттиқ қопламали автомобил йўллари узунлигини камайиш тенденциясининг кузатилиши ҳудудий туризмнинг шиддатли ривожланишига тўсқинлик қилувчи аҳамиятли омиллардан биридир (51-расм).

Ваҳоланки, мамлакатимизда умумфойдаланадиган транспортда шаҳарлараро (республика ичида) йўловчи ташиш маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 88,1% аҳоли автобус транспортдан фойдаланиши ҳолатини кузатиш мумкин (52-расм).

Жойлаштириш инфратузилмаси. Жамоавий жойлаштириш муассасалари турли даражадаги сервис ва хизматлар сифатини таъминловчи меҳмонхона, мотель, пансионат, хостел, кемпинг, дам олиш базалари ва уйлари, туристик базалари шунингдек, санатория-курорт ташкилотлари мажмуасидан таркиб топади ҳамда ҳудудий туризм инфратузилмасининг энг асосий таркибий элементларидан бири ҳисобланади.



51-расм. Самарқанд вилоятида автомобил йўллари узунлиги¹⁶



52-расм. Шаҳарлараро (республика ичида) йўловчи ташишида фойдаланадиган транспорт турлари¹⁷

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида меҳмонхоналар мажмуасининг жойлаштириш қувватини 2447 хона ва 4899 жой фондига эга 101та меҳмонхона намоён этмоқда ҳамда мамлакат миқёсида фаолият олиб борувчи меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муассасалари (МЖБМ) умумий миқдорининг 16,4%ни ташкил этади. 2005-2015 йиллар давомида Самарқанд вилояти меҳмонхона инфратузилмаси ривожланишида қуйидаги ижобий тенденцияларни, яъни: МЖБМ сонининг 2,53 маротаба; хоналар сонининг 2,12 маротаба, жой фондининг 2,19 маротаба кўпайганлигини кузатиш мумкин.

Ахборот-коммуникация инфратузилмаси туризм соҳасини ташкил этишда фойдаланиладиган компьютер техникалари мажмуаси, ахборот тизимлари, алоқа тармоқлари ва каналларини қамраб олади. Ахборотни тўплаш,


¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

қайта ишлаш ва узатиш туристик ташкилотларни кундалик фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Шунинг учун, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланганиши туристик фаолият самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Халқаро амалиётга назар соладиган бўлсак, инновацион туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш айнан шу соҳа фаолияти билан боғлиқдир.

Бугунги кунда ҳудудий туристик ташкилотлар томонидан замонавий ахборот технологияларидан тобора самаралироқ фойдаланиш ҳолатлари кузатишмоқда. Ушбу ҳолатни ҳудудий туристик ташкилотлар томонидан шахсий сайтларни яратиш ва Internet тармоқларига жойлаштириш тенденциялари орқали намоён этиш мумкин. Демак, ҳудудий туроператорлардан 90% глобал тармоқда шахсий саҳифасига эга (53-расм).


Дам олиш ва кўнгилочар муассасалар туризм инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳудудга туристик сафарни ташкил этишда нафақат табиий, тарихий-маданий, этнографик ресурслар, балки музей, цирк, зоопарк, аттракционлар, табиий ва дам олиш парклари, театр ва кинотеатрлар, концерт залларидан иборат дам олиш ва кўнгилочар муассасаларнинг мавжудлиги ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир.



53-расм. Ҳудудий туроператорларнинг веб-саҳифа яратиши даражаси

Самарқанд вилоятида охириги йиллар мобайнида дам олиш ва ўйин-кулги тадбирларини ташкил этиш фаолиятида (ХХТУТ бўйича 91611-кодли фаолият тури) ижобий ривожланиш тенденциялари кузатишмоқда (54-расм).

Бугунги кунда вилоятимизда 17та санатория-курорт ва 8та дам олиш ташкилотлари (кемпинг, дам олиш базалари) фаолият юритмоқда. 2005-2015 йиллар давомида Самарқанд вилояти санатория-курорт ташкилотларида хизмат кўрсатилганлар сонининг 2,8 мартага ошганлиги соҳадаги ижобий тенденцияларни намоиш этмоқда.



54-расм. Самарқанд вилоятида дам олиш ва кўнгилочар муассасалар фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари (млн.с.)¹⁸

Аммо, соҳа хизматлари истеъмолчилари умумий сонининг атиги 4,97% Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келади (мазкур кўрсаткич: Тошкент вилоятида – 42,5%, Фарғона вилоятида – 20%, Наманган вилоятида – 13,6%). Бундан ташқари, мазкур ташкилотларнинг хорижий туристларга ихтисослашмаганлиги, шунингдек, келтирилган давр оралиғида дам олиш ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар сонининг 72,7%га камайганлиги соҳада ўз ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда.

4.2. Самарқанд шаҳрида туристлар хавфсизлигини таъминлашдаги ислохотлар

2017 йил таҳлилига кўра, Самарқанд шаҳрига турли давлатлардан жами 170 минг 600 нафар сайёҳ келиб кетган бўлиб, уларнинг хавфсизлиги тўлиқ таъминланган. 2018 йил якунида эса бу кўрсаткич 350 минг нафар бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, маҳаллий сайёҳлар оқими таҳлил қилинганда, 2017 йилда Самарқанд шаҳрига 1,114,022 нафар меҳмон келган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 1,745,000 нафарни ташкил этиши кутилмоқда.

Самарқандга ташриф буюраётган туристларнинг тобора кўпайиб бораётганлигини, бундай тенденцияни сақлаб туриш учун туристлар хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармасининг Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари Республиканинг бошқа вилоятларида учрамайдиган замонавий технология билан таъминламоқда.

Жумладан, ходимларга «Сигвей» (ингл. Segway) деб аталувчи электрон ускуна берилган бўлиб, ушбу «Сигвей» 160 кг юкни кўтара олади ва соатига 20 км тезликда ҳаракатланади. «Сигвей» ускунаси экологик тоза бўлиб, автомашиналарда ҳаракатланиб бўлмайдиган ва одамлар гавжум жойларда ҳам

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Самарқанд бошқармаси маълумотлари.

эркин ҳаракатланиб, туризм мақсадида ташриф буюрган шахсларга хавф туғилганида уларнинг олдида тезда етиб боришини таъминлайди.



55-расм. Ходимларнинг «Сигвей»да ҳаракатланиши

Бундан ташқари, Самарқанд вилоятининг кўп туристлар ташриф буюрадиган туристик объектлар атрофига хавфсиз туризм ходимлари учун махсус кўчар хоналар ҳам ташкил этилган бўлиб, бу юртимизга ташриф буюрган туристларни хавфсиз ҳаракатланишини кузатиб боришига мўлжалланган. Бундан ташқари, ушбу махсус кўчар хоналарнинг ташқи томони ўзгача дизайн кўринишига эга бўлиб, хавфсиз туризм ходимларининг ҳар қандай об-ҳавода ҳамда туну кун ўз хизмат вазифасини бажаришига қулайлик яратади.

4.3. Самарқанднинг туризм салоҳияти дунё эътибори ва эътирофида

Бугун кунда Самарқанд дунёнинг кўплаб давлатларига катта қизиқиш уйғотаётган шарқнинг бетакрор шаҳарларидан бири бўлиб келмоқда. Турли миллат ва элат вакиллари бу азим шаҳар ҳақида кўплаб теледастурлар, видеороликлар, ҳатто асарлар ёзмоқдалар.

Жумладан, Озарбайжоннинг «Nazar TV» телеканали орқали намоиш этиладиган «Сирдаш» сайёҳлик шоусининг навбатдаги сони бошловчининг Самарқанд бўйлаб саёҳатига бағишланди. Ижодий гуруҳ 19-26 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси таклифига биноан Самарқанд шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон ҳақидаги мазкур кўрсатувнинг диққат марказида айнан Самарқанд шаҳри бўлди. Хусусан, «Nazar TV» телеканали делегацияси бошловчи Раҳиб Алиярзаде, режиссёр Шахбаз Расулов, оператор Эльнур Аббасовлардан иборат гуруҳ ўз ташрифининг биринчи кунида Самарқандда Наврўз байрами жараёнларида иштирок этишди. Шунингдек, тур давомида

улар Самарқанд анъаналари ҳамда меъморий ва этнографик ёдгорликларини ўрганиб, тасвирга олишди.

«Озарбойжон телевидениясида Самарқанднинг туризм, маданият, анъаналари ва меъморий ёдгорликларининг янги имкониятларига доир ҳикоялар, ўз навбатида мамлакатга келувчи хорижий сайёҳлар сонининг ошишига сабаб бўлади. Ижодий гуруҳ съёмкалари байрам сайллари, миллий таомлар фестиваллари, беллашувларга бой умумхалқ Наврўз байрамига тўғри келганини ҳисобга оладиган бўлсак, кўрсатувнинг навбатдаги сони нақадар ёрқин ва қизиқ бўлишини тасаввур қилиш мумкин»,-деб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси таъкидлаб ўтди.



56-расм. Тасвирга олиш жараёнидан лавҳа



57-расм. Тасвирга олиш жараёнидан лавҳа

Маълумот учун «Сирдаш» кўрсатуви Озарбойжоннинг «Nazar TV» телеканали орқали ҳар ҳафта эфирга узатиб борилади. Бу вақт ичида кўрсатув ижодий гуруҳи кўплаб мамлакатларда бўлиб қайтишган.

Шунингдек, Индонезиянинг «Net TV» телеканали ходимлари Ўзбекистонга ташрифлари давомида юртимизнинг бир қанча диққатга сазовор жойларида ҳамда Самарқанд вилоятида ҳам бўлишди ва «Muslim traveler» теледастури учун кўрсатув тайёрлашди.

Улар мусулмон оламидаги энг муқаддас қадамжолардан бири Имом ал-Бухорий мажмуасига ҳам ташриф буюришди. Меҳмонларда Имом Ал Бухорий мажмуаси катта таассурот қолдирди. Мақбарани зиёрат қилиш билан бир каторда, ҳазрат Имом ал Бухорий ва зиёратгоҳ ҳақида мазкур мадраса бош имом хатиби Зайниддин Эшонкулов билан мазмунли суҳбат қуришди.

«Зиёрат туризмнинг ривожланишида бу сингари мажмуаларнинг аҳамияти катта. Муслим травелер кўрсатуви олдида буюк муҳаддиснинг мақбаралари Самарқандда жойлашгани, Имом Ал Бухорий мақбарасининг замонавий кўркам қиёфаси ҳамда бошқа зиёратгоҳлар ҳақида миллионлаб Индонез халқига маълумот беришдек бурчни адо этиш ётибди», дейди дастур муаллифи Диан Кенкана Деви.

Ижодкорларни Хавфсиз туризм бошқармаси мутахассислари юртимизда сайёҳларга яратилаётган имкониятлар билан яқиндан таништиришган. Ундан сўнг эса, маданий ҳордиқ чиқазиш ва ўзбек миллий либослари билан яқиндан танишиш мақсадида «Ел мероси» театрининг сахналаштирилган либослар намоишига ташриф буюришган.




58-расм. Ижодкорларнинг мажмуани тасвирга олиш жараёнидан лавҳа



59-расм. Кўрсатув мухбирининг Хавфсиз туризм бошқармаси мутахассислари билан суҳбати

Бундан ташқари Индонезия пойтахти Жакартада жойлашган RDM нашриёт уйи томонидан Самарқанд ҳақида «Soulmate in Samarkand» номли роман ёзилган. Astrid Tito and El Devi томонидан ёзилган асар воқеаларининг асосий қисми Самарқандда, шунингдек, Тошкент, Фарғона водийси, Жакарта ҳамда Ғарбий Жавада юз беради.



60-расм. «Soulmate in Samarkand» асари

Шунингдек, жорий йилнинг 9-10 май кунлари Хитойнинг «CCTV-7» марказий телеканали ижодкорлари Самарқанд шаҳрида бўлишди. Телеканал вакиллари Самарқанд шаҳридаги маданий мерос объектлари, архитектура ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлар, хунаромандлар ишлари ҳамда шаҳримиз ҳаёти тўғрисида сураатга олиш ишларини олиб боришди. Шу билан бир қаторда ижодкорлар Самарқанд нони, миллий таомларимизнинг тайёрлаш жараёнини бевосита ўзлари иштирок этган ҳолда тасвирга олишди.



61-расм. Тасвирга олиш жараёнидан лавҳалар



62-расм. Тасвирга олиш жараёнидан лавҳалар

Бундан ташқари Хитойдаги машҳур туристик сайт ҳисобланмиш Queer.com Самарқанд шаҳрини «2018 йилда хитойликлар ва бошқа хорижий сайёҳларга ташриф буюриш учун тавсия этиладиган дунёнинг энг яхши экзотик 10 шаҳри» номинацияси билан тақдирлади. Тақдирлаш маросими 1TV China 2018 2-халқаро туризм кўргазмаси давомида бўлиб ўтди.



63-расм. Самарқанд шаҳрига берилган мукофот

Шунингдек, Австралиянинг «Skyscanner» ахборот портали экспертлари «Instagram» ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар учун сайёрамизнинг энг гўзал жойлари рейтингини тузиб чиқди. Ер юзидаги 15 та энг ажойиб шаҳар киритилган рўйхатнинг олтинчи поғонасидан кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри ўрин олди.

Қуйида мазкур рейтинг билан тўлиқ берилган:

- | | |
|-----------------------------------|----------------------------|
| 1. Рейкьявик, Исландия; | 9. Лангкави, Малайзия; |
| 2. Квинстаун, Янги Зеландия; | 10. Мачу-Пикчу, Перу; |
| 3. Скай ороли, Шотландия; | 11. Киото, Япония; |
| 4. Байкал кўли, Россия; | 12. Гуйлинь, Хитой; |
| 5. Аннапурна, Непал; | 13. Нанди, Фижи; |
| 6. Самарқанд, Ўзбекистон; | 14. Улуру, Австралия; |
| 7. Гиза ва Луксор, Миср; | 15. Килиманжаро, Танзания. |
| 8. Йеллоустоун миллий парки, АҚШ; | |

Шунингдек, машҳур интернет сайти Stuff.co.nz дунёнинг энг саёҳатбоп 10 шаҳри ҳақида маълумот берди. Шуниси қувончлики, уларнинг орасида «Азим Самарқанд» шаҳри ҳам бор.

- | | |
|----------------------------------|--------------------------|
| 1. Лиссабон (Португалия) | 8. Болонья (Италия) |
| 2. Сеул (Жанубий Корея) | 9. Остин (АҚШ) |
| 3. Гётеборг (Швеция) | 10. Аделаида (Австралия) |
| 4. Лима (Перу) | |
| 5. Саппоро (Япония) | |
| 6. Будапешт (Венгрия) | |
| 7. Самарқанд (Ўзбекистон) | |

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, Ер юзининг сайкали деб эътироф этиб келинадиган Самарқанд азал-азалдан инсоният цивилизациясининг қадим ўчоқларидан бири бўлиб, Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланади.

Самарқанд бугунги кунда ҳар томонлама гўзаллашиб бормоқда, унинг тарихий кийфаси, шон-шуҳрати бутун дунёда жарангламоқда. Бугун Самарқанд илм-фан, санъат ва маданият марказига айланиб бормоқда. Бугунги кунда Самарқанд халқаро симпозиумлар, фестиваллар ўтказиладиган шаҳарга айланди. 1997 йилнинг кузида бу шаҳарда халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали биринчи марта ўтказилди ва ҳар икки йилда қайта ўтказилмоқда. Шунингдек, 2017 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги анжуман, "Ўзбекистон-Россия иккинчи ёшлар форуми", 2018 йилда ўтказилган "Марказий Осиё ёшлар форуми" шаҳарнинг Ўрта Осиёдаги муҳим марказларидан бири эканлигини исботлайди.

Самарқанд шаҳри қадим тарихдан бошлаб, то бугунги кунгача ўзининг миллий урф-одат ва анъаналари, нодир тарихий обидалари, гўзал табиати ва меҳмондўст халқи билан дунёнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрувчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Самарқанд бугун чинакам туристлар шаҳрига айланди. Бу шаҳарга дунёнинг турли томонларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюрмоқдалар. Улар қадимий шаҳарнинг сеҳрли оқшомларида сайр қилишиб, Шарқнинг жозибали эртак ва ривоятларини тинглайдилар.

Кундузлари шаҳардаги бетакрор тарихий обидаларни томоша қилишиб, бу шаҳарнинг гўзаллиги, жозибасини ўз қалбларига жойлайдилар ва ўз юртларига олиб кетадилар.

Самарқанддаги Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда архитектура мажмуаси, Ҳазрати Ҳизр масжиди, Бибиҳоним масжиди, Сиёб бозори, Руҳобод мақбараси, Оқсарой мақбараси, Амир Темур мақбараси, Намозгоҳ масжиди, Ашратхона мақбараси, Хўжа Аҳрори Валий мажмуаси, Чўпон-Ота мақбараси, Хўжа Абду Дарун мақбараси, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, вилоят туманларидаги Остона-бобо зиёратгоҳи, Қарнобчўл эколандшафтлари, Хўжа Карзонота зиёратгоҳи, Қўтирбулоқ дам олиш маскани ва шифобахш булоғи, Добуссия қалъа харобалари, Зарафшон дарёси ва Зарафшон давлат кўрикхонаси, «Чор чинор» зиёратгоҳи, Ғовсул Аъзам зиёратгоҳи, Тешиктош, Қайнар, Омонқўтон, Ширвоғота зиёратгоҳи ва дам олиш масканлари, эски давон йўллари, тахти Қорачабегим саройи харобалари каби кўплаб туристик объектлар бугун Самарқанд туризм соҳасининг ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда.

Самарқандда туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар эса вилоятда туризм соҳасининг жадал ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ» ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861 сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги «Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 939 сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги «2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 450 сонли Қарори
5. Бердимуродов А, Индиаминова Ш. Буюк Ипак йўли: китъалар ва асрлар оша. –Т.: 2017.
6. Бердимуродов А. Самарқанд тарихидан томчилар. –Т.: 2015.
7. Б.Бабаджонов, У.Рустамов. Шоҳи Зинда меъморий мажмуасининг битиклари (матнлар, таржималар). – Самарқанд.: 2015.
8. Барри Лейн М., Ашрафи Ф.М., Усмонов Б.М., Икромов А.Н., Рахмонов А., Самарқанд меъморчилик ёдгорликлари. – Т.: 2001.
9. Бўлатова В. А., Шишкина Г. В., Самарқанд очик осмон остидаги музей, – Т.: 1986.
10. Ҳакимов А. Самарқанд музейи дурдоналари. – Т.: 2004.
11. Қудратов Б., Тухлиев И., Сафаров Б., Абдухамидов С. Туризм: назария ва амалиёт, Дарслик. . -Т.: 2018
12. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари, Дарслик. -Т.: 2014
13. Ширинов Т., Жўрақулов М., Исамиддинов М., Самарқанд – 2750, Тошкент 2007.
14. Чориев З, Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. – Т.:1999.

Интернет сайтлари:

1. www.wto.org – Бутунжаҳон туризм ташкилотининг расмий сайти
2. www.uzbektourism.uz – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг расмий сайти
3. www.samarkand.uz – Самарқанд вилояти ҳокимияти расмий сайти

4. www.qadamjo.uz – Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси расмий сайти
5. www.meros.uz – Ўзбекистон маданий мероси расмий сайти
6. www.tashrif.uz
7. www.kun.uz
8. www.daryo.uz

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
I-БОБ. БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА САМАРҚАНД – ТУРИЗМ МАСКАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....	4
1.1. Самарқанд – қадим цивилизация ўчоғи.....	4
1.3. Самарқанд ва Буюк Ипак йўли.....	6
1.4. Самарқанд Темур ва Темурийлар салтанатининг пойтахти..	9
II-БОБ САМАРҚАНДНИНГ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРИ.....	12
2.1. Қадимий археологик топилмалар туризм соҳаси объекти сифатида.....	12
2.2. Самарқанднинг маданий-тарихий туристик ресурслари.....	16
2.3. Самарқанднинг туристик зиёратгоҳ ресурслари.....	23
2.4. Самарқанднинг табиий-рекреацион ресурслари.....	45
2.5. Самарқанд туризм соҳасининг ривожланишида музейларнинг тутган ўрни.....	46
III-БОБ САМАРҚАНДНИНГ БУГУНГИ КУНИ.....	57
3.1. Самарқанднинг умумий тавсифи.....	57
3.2. Туристлик маҳсулотни яратишда энг мазали нон, энг нафис қоғоз, энг зўр театр, энг жозибадор гиламлар ва “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг ўрни.....	58
3.3. Сиёб бозори – бетакрор шарқ бозори.....	63
3.4. Зарафшон давлат қўриқхонаси.....	65
IV-БОБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	67
4.1. Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари.....	67
4.2. Самарқанд шаҳрида туристлар хавфсизлигини таъминлашдаги ислохотлар.....	71
4.3. Самарқанднинг туризм салоҳияти дунё эътибори ва эътирофида.....	73
Хулоса.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

Қайдлар учун

[illegible]

[illegible]

**2018 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman» гарнитураси
Босма табағи 5,25
Буюртма № 126, Адади 20 нусха**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А.Темур кўчаси, 9-уй**